

СОЛИҚ ва
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 28 (1352) • 2020 йил 14 июль

ISSN 2010-524X

УШБУ
СОҒДАКАРАНТИН ДАВРИДА
МУДДАТИ ЎТГАН
МАҲСУЛОТЛАР ҚАНДАЙ
ҲИСОБДАН ЧИКАРИЛАДИ

Фойда солиғини ҳисоблашда уларнинг суммасини чегириб ташлаш мумкинми?

4-бет

Асосий восита амортизацияси солиқ ва бухгалтерия ҳисоби бўйича

12-бет

Дори-дармон келтирганга қандай имтиёз бор?

13-бет

Атир бўлса ҳам, хужжати бўлсин

14-бет

Айланмадан олинанидан солиқдан ҚҚС ва фойда солиғига ўтганда ҳисоботни тўлдириш

15-16-бетлар

ЭНДИ КОРРУПЦИЯ
ЙЎҚОЛАДИМИ?

Маълумки, ҳар қандай давлат учун коррупция, бу – турли хавфлар ичидаги энг зарарли ва маълум миқдорда доимий мавжуд бўладиган «бактерия» каби иллатдир. Зеро уни қамайтириш мумкин, аммо йўқотиш – жуда мушкул масала. Бинобарин, «Transparency International» ташкилотининг 2019 йил ҳисоботида кўра, қуйидаги давлатларда коррупция ҳодисаси деярли кузатилмаётганлиги аниқланган: 87 баллдан тўплашга эришган Дания ва Янги Зеландия 1-ўрин, 86 балл билан Финляндия 3-ўрин, 85 баллдан тўплаган Сингапур, Швеция ва Швейцария 4-ўринни эгаллаб, ижобий натижа кўрсатган. Аммо таъкидланганидек, ушбу давлатларда ҳам коррупция бутунлай бартараф этилганлигини «Transparency International» каби халқаро ташкилот ҳам тасдиқлай олмайди. Шундай экан, бу тегишли давлат органлари томонидан доимий тарзда олдини олиш тadbирлари давом эттирилиб турувчи, ўзига яраша масъул мансабдор шахсларни «халоллик вакцинаси» билан «даволашиб» туришни талаб қилувчи доимий «муолажадир».

«Халоллик вакцинаси» яратилишини ва давлат хизматчиларининг даврий «муолажалар»ни олиб туришини ташкиллаштиришга масъул бўлган янги давлат бошқаруви органларидан бири бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳисобланади.

Фармонга кўра, Агентлик: коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат

сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади;

● ўз фаолиятида қонунийлик, ҳолислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида олиб бориб Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади.

✓ ФАРМОН ВА ИЖРО



Маълумки, Ўзбекистонда шу қунгача мазкур иллатга қарши бир қатор ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар курашиб келди. Уларнинг таркибидаги бошқарма-ю бўлимлар маълум маънода ушбу «касаллик»ни бартараф этишга, жиловлашга ва шу тариқа Ўзбекистонда қонун устуворлиги принципини таъминлашга уринди. Аммо жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, коррупцияга қарши курашувчи алоҳида давлат органининг фаолият юритиши самарали натижани бериши мумкин. Бундай мустақил органлар Козогистон, Латвия, Литва, Украина, Корея Республикаси, Сингапур, Ҳиндистон, Франция, Руминия, Хорватия каби давлатларда Бюро, Марказ, Агентлик, Хизмат каби тузилмавий шаклларда

2-бетда

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЯШАШ МИНИМУМИ ВА ДАРОМАД СОЛИҒИ
ЁХУД БАЖАРИЛМАГАН ВАЗИФА

Президентимизнинг Олий Мажлиси 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномасида илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадлари аниқлаш бўйича «истеъмол саватчаси» тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уни амалда таъминлаш механизмларини яратиш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифа 2018 йил Давлат дастурига киритилди, лекин бажарилмади.

Жорий йил 3 июнь кунли Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида масала яна бир бор кўтарилиб, 1 октябргача тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари қўйган вазифани солиқ солиш ботида бажариш юзасидан қуйидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни билдирмоқчи эдик.

Аввало, нега Президент 2,5 йил олдин қўйган вазифа шу вақтгача бажарилмади, деган оддий савол туғилади.

Бунинг сабаби, фикримизча, иқтисодиёт ривожланишига масъул бўлган юқори бошқарув органлари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Иқтисодиёт вазирлиги деб юритилади), Молия вазирлиги ва Марказий банк маса-

лага етарлича масъулият ва оқилона ёндашмаганлиги ва умуман ушбу идоралар фаолияти бугунги ислохотлар талабларига етарлича жавоб бермаслигидир.

Молия вазирлиги иқтисодиётга нисбатан факат бюджет даромадларини тўлдириш максadini кўзлаб, тор ёндашувни намоёниш этиб келмоқда. Ушбу идоранинг асосий юмуши – қайси солиқлар қанча ставкада белгиланган тақдирда бюджетга қанча сумма йиғиш мумкинлиги устидагина қайғуриш бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётнинг ҳақиқатдаги аҳоли қандай, мазкур солиқлар ва улар ставкаларининг умуман иқтисодиётга таъсири қандайлигини ўрганиш – булар гўё Молия вазирлигининг бош қотирадиган масалалари эмасдек. Бундай ёндашув эса пировардига ўз оқибатларини яққол кўрсатиб турибди – иқтисодиёт умумий ривожини даражаси етарли эмаслиги сабабли давлат бюджети даромадлари ҳажми жуда кам, хусусан, 2020 йил учун прогнозга кўра аҳоли жон бошига ойига 315 минг сўмдан тўғри келади. Бу эса давлат томонидан стратегик инвестицион ва ижтимоий сиёсатни самарали олиб боришга имкон бераётгани йўқ.

Солиштириш учун маълумот: аҳоли жон бошига ҳисоб-китоб қилганда Козогистон Давлат бюджетининг даромадлари 2019 йилда ойига тахминан \$140 ни, Россияда – қарийб \$170 ни ташкил этди.

Марказий банк ўз монетар сиёсатини реал иқтисодиётнинг талабларини етарлича ҳисобга олмаган ҳолда олиб

3-бетда

✓ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Пандемия шароитида божхона хизмати ходимлари экспорт-импорт операцияларини соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан амалга ошириб келмоқда.

Божхона расмийлаштирувлари тўғри йўлга қўйилгани сабабли товарларнинг республикамыз божхона чегара постлари орқали кириб келиши ва чиқиб кетиши бир зумга ҳам тўхтагани йўқ.

БОЖХОНАЧИЛАР
ЭКСПОРТЧИЛАР
ХИЗМАТИДА

Бугун мева-сабзавотларимизнинг дунёнинг барча нуқталарига етиб бориши, тadbиркорларимиз экспорт салоҳиятининг ошишида мамлакатимизда



яратилган бир қатор қулайлик ва имтиёзлар ҳам яхши омил

14-бетда

ЭНДИ КОРРУПЦИЯ ЙЎҚОЛАДИМИ?

1-бетда доимий тарзда фаолият юритиб улар бевосита мамлакат президентиға ёки парламентига бўйсунди. Ушбу мезон нуктаи назаридан, Ўзбекистонда ташкил этилган коррупцияга қарши курашиш агентлиги жаҳон тажрибасига тўлиқ жавоб беришини таъкидлаш лозим.

Дунёнинг коррупциясиз давлатлари ичида 3-ўринда турувчи давлат Финляндияда ҳам коррупцияга қарши курашувчи алоҳида орган – адлия омбудсмени органи мамлакат раҳбари томонидан лавозимга тайинланади.

Дарвоқе, коррупция иллатига қарши курашувчи мустақил органининг ташкил этилиши халқаро меъёрларга ҳам тўлиқ жавоб беришини эслатиб ўтиш керак. Зеро, БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенциясининг 6 ва 36-моддаларида иштирокчи давлатлар ўз мустақил органига ёки органларига эга бўлиши мумкинлиги ва улар ҳеч бир ижро ҳокимияти органларига ва бошқа давлат органларига бўйсунмасдан мустақил равишда фаолият юритиши лозимлиги кўрсатилган.

БМТнинг мазкур конвенцияси 13-моддасида коррупцияга қарши курашнинг энг самарали йўллари сифатида давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш;

қабул қилинаётган қарорларда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш;

• аҳолининг давлат органларидаги маълумотларини олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш;

• таълим муассасаларида ва аҳоли орасида коррупциянинг салбий оқибатларини тушунтириш ишларини юритиш каби мажбуриятлар иштирокчи давлатларга юклатилган.

Мазкур халқаро ҳужжат талаблари эътиборга олиниб, «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармо-

нининг 2-бандида янги ташкил этилган Агентликнинг вазифаларидан бири сифатида оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторининг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш масаласи назарда тутилган.

Албатта, коррупцияга қарши самарали курашнинг энг натижадор усулларида бири, бу – давлат органининг очиқлигидир. Ҳар бир давлат органи ўз фаолиятига доир очиқ маълумотларни ўз веб-сайтларига, ижтимоий тармоқлардаги каналларига, матбуот котибларининг ОАВ учун бўладиган пресс-конференцияларида доимий эълон қилиб бориши керак.

Давлат хизматчиларининг даромадлари декларацияси масаласи ҳам кенг жамоатчилик учун очиқ ва шаффоф бўлиши лозим. Бугунги ислохотлар босқичи давлат хизмати соҳасида профессионаллини, барча даражадаги давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий мақоми мустаҳкамланишини талаб қилмоқда. Шу сабабли ҳам айни пайтда «Давлат-фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида ҳам ишлар бошлаб юборилган. Аслида, бу масалада МДХ давлатлари ичида орқада қолаётганлигимизни ҳам таъкидлаш зарур. Аммо доно халқимизнинг «Ҳечдан кўра, кеч яхши» деган мақолига амал қилиб, бугун ушбу масалаларни ҳам ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий ва моддий томонларини аниқлаштириб олмоғимиз зарур. Зеро буларнинг барчаси коррупцияга қарши кураш чораларининг ажралмас, таркибий қисмларидир. Шу ўринда янги ташкил этилган коррупцияга қарши кураш Агентлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда мазкур иллатга қарши курашишда қуйидаги жиҳатларга урғу бериш мумкин деб ҳисоблаймиз:

• коррупцион жиноятларни содир этганлик учун қонунчиликда белгиланган жазо чорала-

рини оғирлаштириш ва уларнинг альтернатив (муқобил)лигини камайтириш;

• давлат хизматчиларининг ижтимоий-иқтисодий ва моддий таъминланганлик даражасини босқичма-босқич доимий ошириб бориш;

• давлат хизматчиларининг даромадлари ва мулки декларацияланишини қонуний тарзда ва тизимли йўлга қўйиш ҳамда унинг жамият учун очиқлигини таъминлаш;

• барча даражадаги давлат органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга қаратилган доимий ташкилий чора-тадбирларни давом эттириш;

• давлат бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашни ҳуқуқий тартибга солиш ва доимий шаффоф мониторинг қилиб бориш тизимини яратиш;

• давлат хизматининг барча (республика, вилоят, туман ва шаҳар) даражаларида пухта ишлаб чиқилган ва илмий асосланган ротация механизмининг ҳуқуқий томондан шакллантириш ва қатъий мониторинг қилиб бориш;

2017 йил сентябрь ойида қабул қилинган Мажмурий ислохотлар концепциясида белгиланган устувор вазифаларни давом эттириш ва давлат органлари сонининг оптималлаштиришга, шу билан бирга, уларнинг сифати ошишини таъминлаш механизмларини яратишга эътибор қаратиш мумкин.

Аввал таъкидлаганимиздек, коррупция иллатини жиловлаш мумкин, аммо йўқотиш қийиндир. Таниқли адабиётшунос олим Кўчкор Норқобилининг таъкидлаганидек, «Чивиллар ўлдирилмайди, ботқоқ қурилади!». Шунинг учун қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг илмий асосланганлиги ниҳоятда мумкин ҳисобланади. Акс ҳолда, зарарқунандалар ашпазда давом этаверди.

Серикбек МУРАТАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети

Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси мудири, ю.ф.н.

Ў.А.

ҚАНДАЙ СОЛИҚ ҚАРЗИНИНГ УНДИРИЛИШИ УМИДСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3256-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Низом Солиқ кодекси, Фуқаролик кодекси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

Низом талаблари бюджет ташкилотлари, давлат қорхоналари ва нотижорат ташкилотларига нисбатан таътиқ этилмайди.

Солиқ қарзи солиқ органининг қарорига асосан ундирилиши умидсиз деб эътироф этилиши ва ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Низомга мувофиқ солиқ қарзи қуйидаги ҳолларда ундирилиши умидсиз деб эътироф этилади:

• юридик шахс тугатилганда – юридик шахс-

нинг мол-мулки етарли эмаслиги ва (ёки) шу юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда унинг солиқ қарзини узиш имкони бўлмаганлиги сабабли у узишмай қолганда;

• яқка тартибдаги тадбиркор банкрот деб эътироф этилганда – қарздорнинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли солиқ қарзи (унинг қисми) узишмай қолганда;

• жисмоний шахс вафот этганда ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганда – унинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли, шу жумладан мерос давлат мулкига ўтган тақдирда, унинг солиқ қарзи белгиланган тартибда узишмай қолганда;

• вафот этган жисмоний шахснинг меросхўри бўлмаганда ёки меросхўр (меросхўрлар) мерос олиш ҳуқуқидан воз кечганда;

• солиқ органи солиқ қарзини ундиришнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан уни

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

ундириш имкониятини йўқотганлиги тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинганда, шу жумладан суд томонидан солиқ қарзини ундириш тўғрисида ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилганда;

• чет эл юридик шахси солиқ органидан ҳисобдан чиқарилганда, доимий муассасанинг мол-мулки етарли эмаслиги ва Ўзбекистоннинг норезиденти бўлган юридик шахс томонидан тўлаш имконсизлиги сабабли солиқ қарзи тўланмаганда.

Низом билан солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш, солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш ва унинг ҳисобини юритиш тартиби белгиланди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 01.09.2020 йилдан қўлдан киради.

Баҳодир ҚАЮМОВ.

УШБУ СОНДА:

- **ФАРМОН ВА ИЖРО**
- Энди коррупция йўқоладими? 1-2-бетлар
- **ДОЛЗАРБ МАВЗУ**
- Янги минимуми ва даромад солиғи ёқуд бажарилмаган вазифа 1, 3-бетлар
- **БОЖХОНА**
- Божхоначилар экспортчилар хизматида
- Ўғим тўқувчи экспортчилар – эътиборда
- Тиббий препаратларнинг имтиёзли импорти
- Божхонада расмийлаштириш муддати имтиёزلарга тасир этмайди

- **СОЛИҚ СОЛИШ**
- Ходимлар оқшатилишини ташкил этишда ҚҚС 4-бет
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Карантин даврида муддати ўтган махсусотлар қандай ҳисобдан чиқарилади
- Ўзбекистонда товарларни хорижий валютага сотиш
- Амортизация меъёрлари
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
- «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**
- Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва маъжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.
- **Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:**
- ЎЗР ДСҚнинг «Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».
2020 йилнинг II чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма масалалар» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати 5-10-бетлар

- **АМАЛИЙ ТАКЛИФ**
- Оммавий оферта 11-12-бетлар
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
- Солиқ ҳисобида АВ амортизацияси
- Бепараз молиявий ёрдамнинг бухгалтерия ҳисоби
- Жисмоний шахсларга Интернет хизматларини кўрсатишда ЭХФ
- Аудиовизуал асарларни тайёрлашга лицензия керакми? 12, 16-бетлар
- **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
- II чорақда жами даромад 1 млрд сўмдан ошган бўлса, ҳисобот қандай тошмирилади 15-16-бетлар

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ЯШАШ МИНИМУМИ ВА ДАРОМАД СОЛИҒИ ЁХУД БАЖАРИЛМАГАН ВАЗИФА

1-бетда

бормокда. Бош банкмиз кўп йиллар давомида пул массасининг ўсишини ва инфляцияни шундай жиловлаб турдики, бунинг натижаси кутилгандан аксинча бўлиб чиқди: миллий валюта у амалга киритилган пайтдан эътиборан бир неча минг марта қадрсизланди, 50 минг сўмлик, 100 минг сўмлик купюраларни чиқаришга эҳтиёж туғилди. Бундай кетверса, бир миллионлик купюра ҳам чиқарилиб, кейинги қадам пул деноминацияси бўлиши аниқ...

Иқтисодиёт вазирлиги тармок вазирликлар ва бошқарув органларининг маълумотларини тўплайди ва умумлаштирилади, вассалом – қўлга нима илсинса илдини қабилида... Ваҳоланки, унинг тузилмасида макроиктисодий таҳлилларни олиб бориши лозим бўлган бўлинмалар бўлган ва ҳозир ҳам бор. Вазирлик таркибига бутун бошли Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти қиради.

Ушбу идораларда умумдавлат миқёсида чуқур ҳисоб-китоб-таҳлилий ишлар етарлича олиб борилаётгани йўқ, улар бир мақсадга йўналтирилмаган, етарли даражада ўзаро мувофиқлаштирилмаган ҳолда фаолият юритиши кузатилади. Мазкур идоралар таклиф қилаётган баъзи лойиҳа ишланмаларини кузгага туриб, уларда ишлаётган мутахассислар иқтисодиётда ҳақиқатда кечаётган жараёнларнинг моҳиятини етарлича тушунмаслигига иқдор бўласан киши. Бунга, хусусан, қуйидаги далиллар гувоҳлик бериши мумкин:

– Иқтисодиёт вазирлиги 2018 йилнинг бошида 16 фоизлик ягона солиқ тўловини жорий этиш таклифи этилган лойиҳани муҳокамага қўйди. (Қаралсин <https://regulation.gov.uz/tu/documents/1580>). Аслида шу пайтда «ягона солиқ тўлови» деб номланган тўлов солиқ тизимимизнинг катта камчиликларидан бири эди, чунки бунда қорхона тушуми солиққа тортилган, тушум эса – бу даромад дегани эмас, кўп ҳолларда у харажатларни қоплайди, ҳолос. 16 фоиз ягона солиқ тўлови дегани – бу 100 сўм сарфлаб 120 сўм тушумга (20 сўми фойда) эга тадбиркор $120 \times 16\% = 19,2$ сўм, яъни $19,2 / 20 \times 100\% = 96\%$ ставкада солиқ тўлайди дегандир!

2019 йилнинг ноябрида эса ўрта бизнесни қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) озод этиш таклифи акс эттирилган лойиҳа ўртага ташланди. Ваҳоланки, бу пайтда солиқ ислохоти амалда бошланди, унинг бош ғояларидан бири ҚҚС тўловчилар доирасини максимал кенгайтириб, мазкур солиқнинг узлуксиз занжирини шакллантириш ва шу билан солиқ тизимимизнинг ҚҚС тўловчилари ва тўловчилари бўлмаганлар ўртасидаги нотенгликдан иборат бўлган энг жиддий нуқсонларидан бирини бартараф этиш эди;

– солиқ ислохотлари давомида 2019 йилда яққол хатоликларга йўл қўйилди – «кирувчи» ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда табақалаштирилган ставкаларда ҚҚСнинг соддалаштирилган тизими, «хронометраж кўздан кечириш», «мавзули экспресс-ўрганиш» сингари солиқ текширувларининг янги, оддий мантққа зид турлари жорий этилди (Солиқ кодексининг янги таҳририда бу хатолар тузатилган);

– конунчилик амалиёти ва ҳўжалик юритиш фаолиятида турли хил тўловларни ҳисоблаш учун иқтисодий дастаклар – базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ, айни пайтда 223 000 сўм) ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭМ, айни пайтда 679 330 сўм) яхлитланмаган ҳолда белгиланиб, ҳисоб-китоблар учун мазкур дастакларнинг миқдорига юздан бир аниқликда нисбатлар ўрнатилди. Хусусан, 0,0053 ёки 2,11 ва ҳ.к. (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон Қонун) коэффицентлар белгиланган. Бундай «майда»кашлик ҳисоб-китоб ишларида ноқулайлик, муомаладан чиқиб кетган пул бириклариди (тийинларда) тўловларни амалга ошириш заруратини туғдиради (нақд пулда тўланганда).

Ўзи ознинг кўп қисмидан ўзи кўпнинг оз қисми яхши

2018 йилгача мамлакатимизда 4 поғонали, даромад ошгани сайин ошган суммага солиқ ставкаси юқорилайдиган, прогрессив шкала деб аталадиган тартиб амал қилган. Бунда меҳнат даромадлари бў-

йича қорхона ва ҳодимлар тўлайдиган жами солиқ анчайин юқори бўлган: 22,5 фоизгача иш ҳақи солиғи, 15 фоиздан 25 фоизгача ягона ижтимоий тўлов ва 8 фоизлик Пенсия жамғармасига сугурта бадалли. Бунда ҳодим қўлига оладиган ҳар минг сўмга кичик қорхоналарда 385 сўмдан 655 сўмгача, йирик қорхоналарда эса 505 сўмдан 799 сўмгача миқдорда солиқ тўланган. Бундай ҳолат бизнеснинг борган сайин кўпроқ хуфиёна фаолият юритишга ундаган.

2019 йилда кескин даражада энгиллик берилди: 12 фоизлик ясси, яъни даромад миқдоридан қатъи назар бир хил ставкада солиқ жорий қилинди. Ижтимоий солиқ барча қорхоналар учун бир хил – 12 фоиз қилиб белгиланди. Бунда ҳодим қўлига оладиган ҳар минг сўмга тўғри келадиган солиқ суммаси 273 сўмгача пасайди.

Лекин, фикримизча, бундан-да мақбулроқ тартиб жорий этиш имкони мавжуд ва мақсадга мувофиқдир. Зеро, ясси ставка жорий этилишида бир жиҳатдан «қош қўяман деб...», «саллани оламан деб...» қабилида иш тутилиб солиқ солинмайдиган минимум «эсдан чиқарилди». Натижада, эътибор беринг:

1 млн сўм маош оладиган шахснинг даромад солиғи ставкаси 13,8 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди, у 1,8 фоизгина ютди, ютук суммаси эса 18 275 сўми ташкил қилди.

3 миллион сўм маош оладиган шахснинг даромад солиғи 22,1 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди, у 10,1 фоиз ютди, ютук суммаси эса 304 125 сўми ташкил қилди.

10 рақамининг 60 фоизи 100 рақамининг 30 фоизидан 5 баравар кам бўлгани каби солиқ юки даражаси ҳам фақат унинг ставкаси билан эмас, балки солиқ тўлангандан сўнг қоладиган сумманинг кишиларнинг тирикчилиги ва бизнеснинг юриб туриши учун етарли-етарли эмаслиги билан ҳам ўлчанади.

Дунёнинг асарият давлатларида даромад ошган сайин солиқ ставкаси ҳам ошадиган тартиб, яъни прогрессив шкала амал қилади. Ясси ставка амал қиладиган айрим давлатларда, жумладан Россия, Қозғистонда прогрессив шкалага ўтиш масаласи фаол муҳокама қилинмоқда.

Хусусан, Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳукуматга шахсий даромадларини прогрессив шкалани жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишни тошширганлини маълум қилди.

Кўпчилик ривожланган давлатларда солиқ юки биздагига қараганда анча юқори. Аммо ушбу мамлакатларда юқори солиқлар тўлангандан кейин қоладиган даромад биздагига нисбатан анча юқори даражада жисмоний шахсларнинг яшаш минимумини таъминлайди, бизнесга эса етарли даражада фойда қолдиради.

Биз эса ривожланган мамлакатлар билан солиштирганда кам тўлаймиз, лекин бари-бир кўпчилик бизнес вакили ҳам, жисмоний шахслар ҳам етар-етмасликдан қутила олмайд...

Санаб саккиз дейдиган бўлсак...

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан айни пайтда камбағалликни қисқартириш, аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш, минимал истеъмол саватчаси тушунчасини амалиётга киритиш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, даромад солиғи тартибини янада такомиллаштириш зарур. Буни қуйидаги 2 вариантда амалга ошириш мумкин.

1-вариант. Даромадларнинг яшаш минимумига – минимал истеъмол саватчаси қийматига тенг суммадаги қисмини солиқдан озод қилган ҳолда 2 поғонали прогрессив шкалани жорий этиш:

• биринчи поғона, масалан, 679 330 сўм (айни пайтда белгиланган энг кам меҳнат ҳақи миқдори) ёки 800 000 сўм ёхуд 1 000 000 сўм бўлиши мумкин – 0 ставка;

• иккинчи поғона – 679 330 (800 000 ёхуд 1 000 000) сўмдан ошган суммага – 12 фоиз.

Таклиф этилаётган чора қанчалик муҳимлигини Молия вазирлигининг жорий йил 1-чорагида давлат бюджети ижроси ҳақидаги материалда келтирилган иш ҳақи даражасига доир кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Вазирлик материалда келтирилишича жорий йил февраль ойида 1 млн 767 минг кишининг, яъни 41,6 фоиз расмий иш билан банд бўлган шахсларнинг ойлик иш ҳақи 1 млн сўмдан ошмаган.

Бу демак, тартиб биринчи вариант бўйича такомиллаштирилса 2 млн га яқин кишининг даромади ойига қўшимча 81 минг сўмдан 120 минг сўмгача миқдорда ошади.

2-вариант. Минимал истеъмол саватчаси қийматига тенг суммани солиқдан озод қилган ҳолда 4 поғонали прогрессив шкалани ўрнатиш.

Ҳисоб-китоблар бу тартибнинг эски тартибдан ҳам, амалдаги тартибдан ҳам афзаллигини кўрсатади. Масалан, ойига 4 млн сўмлик даромадга:

- эски вариантда солиқ энг катта сумма – 969 125 сўми, даромадга нисбатан 24,2 фоизни ташкил қилади;
- амалдаги вариантда солиқ ўртача миқдорда – 480 000 сўмга тенг, ставкаси 12 фоиз;
- таклиф қилинаётган вариантда солиқ юки энг кам: суммаси 390 000 сўм, умумий ставкаси 9,75 фоиз.

Даромад 5 млн сўм бўлганда таклиф қилинаётган вариантда 5 млн сўмдан 25 фоиз тўланиши ҳисоби-га солиқ юки амалдагига нисбатан бироз – 0,8 фоизга ошиб, умумий ҳисобда амалдаги 600 минг сўм ўрнига 640 минг сўм солиқ тўланади, яъни сезиларли даражада ошмайди.

Айни пайтда (Молия вазирлигининг 2020 йил февраль ойи бўйича келтирилган расмий маълумотларга таянадиган бўлсак) амалда расмий иш билан банд бўлганларнинг 40 фоиздан ортиғи 1 млн сўмдан кам, 90 фоизининг эса ойлик даромади 4 млн сўмга етмайдиган иқтисодий ҳолатда 5 млн сўмдан кўпроқ ойлик даромад олувчилар даромадининг 4 млн сўмдан ошган қисмига 25 фоизлик солиқ белгиллаш, фикримизча, ижтимоий жиҳатдан адолатли чора ҳисобланади.

Таққослаш учун: даромад солиғининг максимал даражаси Германияда 45, Японияда 50, АҚШда 39,6, Хитойда 45, Ҳиндистонда 31,5, Австралияда 47, Эронда 35 фоизни ташкил қилади.



Бутун жаҳон (Россия ва Қозғистондан ташқари) ва мамлакатимизнинг 2019 йилдан олдинги амалиётдан келиб чиқадик, жисмоний шахсларга прогрессив шкалада солиқ солиниши – бу умумқабул қилинган иқтисодий амалиёт, ҳатто, қонуниятдир.

Хулоса...

2019 йилда жорий этилган, паст даромад олувчиларга нисбатан адолатсиз, умумиктисодий, яъни давлат бюджети манфаатлари – умумхалқ манфаатлари нуқтаи назардан номақбул, дунёнинг деярли ҳеч бир мамлакатда қўлланилмайдиган паст ясси солиқ шкаласидан – бу тартибга ўрганиб, ёмон одатланиб қолмасимиздан олдин – 2021 йилдан бошлаб прогрессив шкалага ўтишимиз лозим.

Президентимиз 9 июнь куни иқтисодий масалалар бўйича ўтказган йиғилиши расмий хабарида айтилишича, «Йиғилишда мутасадди раҳбарлар иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қисқа ва ўрта муддатда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ўз таклифларини билдирди». Демак, мутасадди идораларга ишонч билдирилиб, ташаббус кўрсатган ҳолда фаол ишлашлари талаб этиляпти.

Умид қиламизки, 2,5 йил олдин қўйилган, лекин бажарилмаган, амалиётга «истеъмол саватчаси» меъёрини жорий этиш вазифаси бу гал ушбу идоралар томонидан бажарилади ва шу аснода 2021 йил солиқ концепциясида жисмоний шахсларнинг тирикчилиги учун зарур солиқ солинмайдиган энг кам миқдор умумиктисодий қондиси ўз аксини топади.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.
Ў.А.

ХОДИМЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҚҚС

? Ташкилотимиз ишлаб чиқариш билан шугулланади ва умум-белгиланган солиқларни тўлайди. Саноат зонасида жойлашганмиз, ташкилот ҳисобидан ходимлар овқатланишини ташкиллаштирмақчимиз. Сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар харидини корпоратив карточкадан амалга ошираемиз. Ташкилотда ходимларга тайёр таомларни беришда реализация бўйича айланма (ҚҚС солинадиган) юзага келадими? Ташкилот ходимларга иссиқ овқат тайёрлаш учун харид қилинган маҳсулотлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақлими?

– Ҳа, таомларни ходимларга бериш ҚҚС солинадиган айланма ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобига товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш) солиқ солиш мақсадларида айланма ҳисобланади (СК 239-м. 4-қ. 5-б.).

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлашда солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) ҚҚС суммасини ҳисобга олиш орқали ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг умумий суммасини камайтиришга, куйидаги шартларни бир вақтда бажарган тақдирда, ҳақли бўлади (СК 266-м. 1-қ.):

- солиқ тўловчининг товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан

боғлиқ фаолиятини амалга ошириш чоғида товарлардан (хизматлардан), фойдаланилганда реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши лозим бўлганда;

- олинган товарларга (хизматларга) солиқ тўловчи томонидан ҳисоб-варақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда.

Яъни мазкур шартларга риоя этилганда харид қилинган маҳсулотлар бўйича тўланган ҚҚС ҳисобга олиниши мумкин.

Замира Жўраева,
«Norma» МЧЖ эксперти.



КАРАНТИН ДАВРИДА МУДДАТИ ЎТГАН МАҲСУЛОТЛАР ҚАНДАЙ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛАДИ

? Корхона давлат ташкилотлари (болалар боғчалари, касалхоналар ва бошқалар) учун озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи сотиш билан шугулланади. Улар ҳозирги кунда ҳам карантинда бўлганлиги сабабли бизда сотув тўхтаб қолган, бироқ амборда товарлар қолган. 1. Карантин эълон қилинганлиги муносабати билан яроқсиз ҳолга келган ёки муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш мумкинми? 2. Фойда солигини ҳисоблашда уларнинг суммасини чегириб ташлаш мумкинми?

1 Корхона карантин эълон қилинганлиги муносабати билан яроқсиз ҳолга келган ёки муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш мумкин.

2 ТМҚ яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан фавқулодда ҳолатлар (табiiй офат, ёнгин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва ҳоказолар) оқибатида кўрилган зарарлар мустасно) солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига киради (СК 317-м. 34-б.).

Сиз товарни харидорларга сотиш имкониятингиз (ҳуқуқингиз)

бўлмаганлигини ва оқибатда озиқ-овқат маҳсулотлари яроқсиз ҳолга келганлиги ёки муддати ўтиб қолганлигини ҳамда бу ҳолатларнинг барчаси фавқулодда вазият билан боғлиқ эканлигини ҳужжатлар билан асослаб бера олсангиз, фойда солигини ҳисоблашда уларнинг қийматини чегириб ташлашингиз мумкин бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОВАРЛАРНИ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАГА СОТИШ

? Бизнинг ҚҚ МЧЖ ишлаб чиқариш билан шугулланади. Қирғизистон Республикаси резиденти – жисмоний шахс кейинчалик Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетиш учун ЭАВга (5 000 АҚШ доллари суммасида) маҳсулот сотиш олди. Тўлов бизнинг банкимизда нақд ҳисоб-китоб йўли билан амалга оширилади. Корхона жисмоний шахсга ЭАВга маҳсулот сотишга ҳақлими? Бу ҚҚСнинг ноль даражаси ставкасини қўллаш мақсадлари учун экспорт ҳисобланади?

– Корхона Қирғизистон резиденти бўлган жисмоний шахсга Ўзбекистон банки орқали тўловни амалга оширган ҳолда товарни реализация қилишга ҳақли эмас. Мазкур операция экспортга киритилмайд.

Ўзбекистон ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун барча тўловлар Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилади, халқаро тажрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали

тўловлар бундан мустасно. Товарлар (ишлар, хизматлар) учун тарифлар ва нархлар ҳам ЎзР валютасида белгиланади (2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Фармоннинг 3-банди).

Ўзбекистон Республикасида товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилиш нархларини хорижий валютага ва шартли бирликларга боғлашга йўл қўйилмайди («Валютани тартибига солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси).

АМОРТИЗАЦИЯ МЕЪЁРЛАРИ

? 2019 йил 1 январдан бошлаб 2007 йилги тахрирдаги СКнинг 144-моддасида фойда солигини солиқ мақсадларида белгиланган чекланган амортизация меъёрлари қайта кўриб чиқилди. Айрим АВ ғуруҳлари бўйича йиллик амортизация меъёрлари пасайтирилган. Корхона асосий воситалар амортизациясини бошқа ставкалар бўйича ҳисоблаган. Ҳозирги пайтда асосий воситалар амортизациясини 2019 йил 1 январдан бўлган давргача 2007 йилги тахрирдаги СК 144-моддасида белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоблаш мумкинми?

– Амортизация – фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннарига ёки давр харажатларига тизимли тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси (5-сон БҲМСнинг 3-банди «в» кичик банди, АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда сўнги тахрирдаги Солиқ кодексида белгиланган АВ амортизациясининг йиллик чекланган нормалари қўлланилади (СК 306-м. 6, 7-қ.). Кодексида АВнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига нисбатан фоизларда ҳар йиллик амортизация меъёрлари белгиланган ва ушбу меъёр харажатларга бир маромда ҳисобдан чиқарилади (5-сон БҲМСнинг 40-банди).

Солиқ солиш мақсадларида амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ нормалар бўйича ҳисоблашга, агар бу солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, йўл қўйилади (СК 306-м. 8-қ.).

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда харажатларни тўғри ҳисоблаш мақсадларида корхона маз-

кур активдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори ва назарда тутилётган хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда амортизация меъёрини мустақил равишда аниқлайди.

Амортизация куйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади (5-сон БҲМСнинг 36, 37-бандлари):

- амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;
- амортизацияни бажарилган ишлар хажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули);
- икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
- йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул).

Қўлланиладиган усул корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилади (5-сон БҲМСнинг 43-банди).

Бинобарин, корхона АВ амортизациясини Солиқ кодексида белгиланганидан фарқ қиладиган ставкаларни қўллаган ҳолда ҳисоблаш, шунингдек амортизациянинг турли усулларини қўллаш мумкин. Бироқ фойда солиғи мақсадларида чегириладиган харажатлар Солиқ кодексига мувофиқ ҳисобланганидан ошмайдиган миқдорларда амортизация ажратмаларига киритилади.

Азизахон ТОШХҲАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

Т/р	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
5	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида чора-тадбирлари ҳақида» 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	2020 йил 30 апрель, 264-сон	19-сон «СБХ»
6	Соҳта банкротлик, банкротлигини яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2020 йил 15 апрель, 231-сон	20-сон «СБХ»
7	Давлат мулк объектларининг ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 8 май, 273-сон	20-сон «СБХ»
8	Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	2020 йил 12 май, 281-сон	20-сон «Норма маслаҳатчи»
9	Ўзбекистон Республикасида таъшиқ савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 14 май, 283-сон	21-сон «СБХ»
10	Қишлоқ ҳўжалигида суддан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 22 май, 310-сон	22-сон «СБХ»
11	Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз қўлини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари курсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон Фармони)	2020 йил 22 май, 319-сон	22-сон «СБХ»
12	Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида	2020 йил 23 май, ПҚ-329-сон	22-сон «СБХ»
13	Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2020 йил 22 май, 320-сон	22-сон «Норма маслаҳатчи»
14	Қишлоқ жойларда кўп қавратли уй-жойларни қўриқда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 4 июнь, 355-сон	24-сон «СБХ»
15	Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 5 июнь, 359-сон	24-сон «СБХ»
16	Хўсурийлаштириш жараёндарини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 15 июнь, 381-сон	25-сон «СБХ»
17	Ўзбекистон Республикасида «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 20 июнь, 394-сон	26-сон «СБХ»

ИДОВАИЙ МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАР

Т/р	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Ҳужжатни тасдиқлаган орган	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
1	Карантинга оид қоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фойдали тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таълиги беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	2020 йил 28 март, 3227-сон	14-сон «СБХ»
2	Карантинга оид қоралар амал қилиши даврида ҳодимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графикаси ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	2020 йил 28 март, 3228-сон	14-сон «СБХ»
3	Суд ҳужжати асосида берилган иккун ҳўжжати ёки иккун ҳўжжати бўлган суд ҳўжжати урсиз сабабларга қўра иккун эътибор қардор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасида чўкишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзуридаги Маъжбур иккун бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат ҳавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳавкорлиги тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР Бош прокуратураси, ИИБ, ДХХ	2019 йил 12 ноябрь, 3196-сон	15-сон «СБХ»
4	Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МБ Бошқаруви	2020 йил 13 апрель, 3229-сон	19-сон «СБХ»
5	Солиқ тўловчиларини қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДСҚ	2020 йил 2 май, 3232-сон	20-сон «СБХ»
6	Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юқини, бағажини, валютасини ва валюта бойлиқларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДБК, МВ, Транспорт вазирлиги, МБ Бошқаруви	2020 йил 2 май, 3233-сон	20-сон «СБХ»
7	Ўзбекистон Республикасида автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шўғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона назмунадаги гувоҳнома бериш тартиби тўғрисидаги низома ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР Транспорт вазирлиги, ОУМТВ, ИИБ	2020 йил 2 май, 1632-3-сон	20-сон «Норма маслаҳатчи»
8	Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДСҚ	2020 йил 29 май, 3236-сон	23-сон «Норма маслаҳатчи»
9	Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларининг айрим тоифалари учун маълумотлар тартибини шаллантириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида	ЎзР ДСҚ	2020 йил 30 май, 3237-сон	24-сон «СБХ»
10	Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тақриба тарикасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга қўсмач мулк объектлари иккарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинчалик низоми тасдиқлаш тўғрисида	ЎзР ДСҚ	2020 йил 12 июнь, ПК-3243-сон	25-сон «СБХ»
11	Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР Солиқни сақлаш вазирлиги		25-сон «СБХ»

БОШҚА АХБОРОТ

Номи	Тайёрлаган орган	Газета сони
Солиқ ҳисоботида харажатларни акс эттириш («Фойда солиғи бўйича ҳисобот қандай тўлдирилади»)	«Norma» МЧК	16-сон «СБХ»
2019 йилнинг IV қорайида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳўқуқий ҳўжжатлар рўйхати	-	18-сон «Норма маслаҳатчи»
Чегирилмайдиган харажатларни аниқлаш ва солиқ ҳисоботида акс эттириш («Чегирилмайдиган харажатлар қандай аниқланади»)	«Norma» МЧК	23-сон «СБХ»

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТ

– ЎзР ДСҚнинг «Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш орқали самарали рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, олдимизда давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодиёт рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига нисбатан тартибга солиш юкани пайсатириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.

Товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шартлошни яратиш, ошкораликни таъминлаш ва давлат хариди тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир;

б) Қўмита қуйидаги вазифаларни амалга оширишда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот кiritиб боради:

имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксклюзив ҳуқуқлар шаклида кўрсатилмаётган давлат қўмагининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳамда улар рақобат муҳитига салбий таъсир этган тақдирда, уларни бекор қилиш бўйича тақлифлар кiritиш;

Молия вазирлиги билан биргаликда давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда алоҳида тартиб ўрnatилган стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари устидан давлат назоратини олиб бориш;

давлат органларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузувчи қарорларини бекор қилиш ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чора қўллаш бўйича тақлифлар кiritиш;

«картель» келишувлари ва тил бириктиришларни ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

а) Қўмита:

рақобат ва монополияга қарши курашиш соҳасида чора-тадбирлар ва сисбат уйғунлигини, эркин ва рақобатбардош бозорни шакллантириш билан боғлиқ таркибий ислохотларни амалга оширишда ҳамда давлат харидлари, давлат активларини сотиш жараёнида рақобат шартлоларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартаришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти билан ҳамкорлик қилади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда мамлакат иқтисодиётида ва ҳудудларда рақобат муҳитини яхшилаш, рақобат соҳасидаги стратегик устувор йўналишлар ва вазифаларни белгилашда, шу жумладан институционал ислохотларни амалга оширишда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширади.

2. Шундай тартиб ўрnatилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 октябрдан бошлаб:

а) тармоқ ва соҳаларда ваколатли этиб белгиланган давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаларидан бири рақобат муҳитини яхшилаш ва уни ривожлантириш ҳисобланади ҳамда мазкур вазифаларни амалга ошириш раҳбар ва унинг биринчи ўринбосари зиммаларига юклатилади;

б) давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудоффа қўбиллати ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) қўйидаги ҳолатларда йўл қўйилмайди:

битта товар бозорига бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кiritиб келаётган соҳаларда;

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатта олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда;

в) ягона етказиб берувчи бўлган ёки бундай ҳўқуқ берилган ёхуд устун (монопол) мавқега эга давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларига фаолияти муассисининг товарлари (ре-

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.07.2020 йилдан кучга кирди.

сурслари) ёки тармоқ инфратузилмасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланадиган ўзларининг аффилиланган шахсларини ташкил этиш тақиқланади, ушбу аффилиланган шахслар рақобатчилари билан тенг шартлар асосида фаолият юритиш шароити таъминланган ҳолда бўлиб юбориш натижасида ташкил этиш бундан мустасно;

г) давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган давлат муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш), мудоффа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида ташкил этиш бундан мустасно, монополияга қарши органнинг дастлабки розилиги олингандан сўнг амалга оширилади;

д) давлат буюртмачиси, стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳўжалик жамияти ва корхонаси билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъект давлат харидларини ёки энг яхши тақлифларни танлаб олишининг ёҳуд тўғридан-тўғри музокарапар иштирокчиси бўлиши мўмкин эмас, бундан давлат томонидан ҳимоя қилиниши лўзим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудоффа қобилиятини, хавфсизлигини таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидлари, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидлари мустасно;

е) давлат буюртмачиси, стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳўжалик жамияти ва корхонаси тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши тақлифларни танлаб олиш тартиб-таомиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокарапар ўтказилишидан аввал у билан аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни давлат харидлари махсус ахборот порталида жойлаштиришга мажбурдир.

3. Белгилаб қўйилсинки, қўйидагиларни назарда тутувчи барча норматив-ҳўқуқий ҳўжжатлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда Қўмитанинг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш натижалари асосидаги ҳўлосалари мавжуд бўлганга белгиланган тартибда қабул қилинади:

ҳўжалик юритувчи субъектларга янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки мавжуд чеклов, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензияланадиган фаолият турларини бозор иштирокчиларининг янада кенгроқ доирасига таъбиқ қилишни;

рухсат этиш хўсусиятига эга ҳўжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни;

юридик шахслар устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талабларни оширишни;

ҳўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган ҳўқуқларини қисқартириш (ҳамайириш) ёки уларга қўшимча мажбуриятлар ёҳуд қўшимча харажатлар жорий қилишни;

ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳар қандай турдаги имтиёз, кафолат, преференцияларни белгиллаш, шунингдек янги ҳўқуқлар, шу ҳўмладан эксклюзив ҳўқуқларни беришни.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қўмита билан биргаликда бир ой мўддатда норматив-ҳўқуқий ҳўжжатлар лўйиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисидаги нўзимни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Қўйидагилар:

2020 – 2024 йилларда товар ва молни бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси 1-иловага мувофиқ;

2020 – 2024 йилларда товар ва молни бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ;

тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-ҳўқуқий ҳўжжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжжатларни ялпи хатловдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага** мувофиқ;

2024 йилгача бўлган даврда ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган тармоқларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати

4-иловага** мувофиқ:

2021 йил 1 январдан бошлаб таъриба (синов) тариқасида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) давлат харидлари ҳамда стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари икромчилари:

тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши тақлифларни танлаб олиш якунлари бўйича қўлиб деб расман эълон қилинган кўндан ёки тўғридан-тўғри музокарапар якунлари бўйича қарор қабул қилинган кўндан эътиборан икки кўн мўбайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фўиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;

ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот порталида доимий асосда тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши тақлифларни танлаб олиш тартиб-таомиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокарапар якунлари бўйича ишмоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий икромия ҳўкимияти органлари, табиий монополия субъектлари, товар ёки молни бозоридан устўн мавқега эга ҳўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек охириги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларда фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қўнўчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши ҳавфларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички таъмилиий тартиб-таомиллар тизими (монополияга қарши комплаенс) жорий этилади, бунда ушбу тизим:

2021 йил 1 январдан бошлаб таъриба (синов) тариқасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий икромия ҳўкимияти органларида ҳамда 5-иловага мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарда;

2022 йил 1 январдан бошлаб ушбу кичик бандда белгиланган мезонларга жавоб берадиган барча субъектларда жорий этилади.

6. Қўмита Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар:

халқаро таърибани ўрганиш асосида ва рақобат муҳитини шакллантириш механизмини тўбдан такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги ва «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қўнўларини бирлаштирган ҳолда ягона қўнў лўйиҳасини ишлаб чиқсин;

эркин рақобат муҳитини олиб кириш мўмкин бўлган монополия соҳаларига хўсусий сектор учун йўл очиш ва уни ривожлантириш назарда тутган ҳолда амалдаги қўнў ҳўжжатларига ўрнатилган тартибда ўзгартириш ва қўшимчаларни киритсин.

7. Давлат солиқ хизмати органларининг 28 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппаратга тузилмасидан Бизнес муҳитини яхшилаш ва замонавий иқтисодиётни шакллантириш департаментининг штатлари сони 8 та штат бирлигига оширилсин ва унга қўнў ҳўжжатлари лўйиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш вазифаси юклатилсин;

Қўмита тузилмасида Давлат қўмитани беришни назорат қилиш ва унинг самардорлигини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинсин, унга ва Савдоларни назорат қилиш бошқармасига қўшимча 20 та штат бирлиги киритилсин.

8. Ушбу Фармоннинг 4-иловасида келтирилган вазирлик ва идоралар Қўмита ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган тармоқ-

**Фармонга 1–5-иловалар «СБХ»да чоп этилмайдў. Ҳўжжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мўмкин.

2020 ЙИЛНИНГ II ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

№	Меъорий ҳужжатнинг номи	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ			
1	Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (Қўчирма)	2020 йил 26 март, УРҚ-613-сон	15-сон «СБХ»
2	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида домий пропискаи қилишни лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида	2020 йил 13 май, УРҚ-616-сон	20-сон «СБХ»
3	Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эришчликлари муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида	2020 йил 14 май, УРҚ-613-сон	22-сон «СБХ»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ			
1	Иқтисодиётни риволангиратиш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 26 март, ПФ-5975-сон	14-сон «СБХ»
2	Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон	14-сон «СБХ»
3	Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 27 март, ПҚ-4662-сон	14-сон «СБХ»
4	Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» (Қўчирма)	2020 йил 4 апрель, ПҚ-4664-сон	15-сон «СБХ»
5	Тамаки маҳсулотлари бозорини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 6 апрель, ПҚ-4665-сон	15-сон «СБХ»
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2020 йил 15 апрель, ПҚ-4678-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
7	Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 15 апрель, ПҚ-4679-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
8	Домий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 22 апрель, ПФ-5984-сон	17-сон «СБХ»
9	Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун таъсир бердм маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 22 апрель, ПҚ-4691-сон	17-сон «СБХ»
10	Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида	2020 йил 24 апрель, ПҚ-4694-сон	17-сон «СБХ»
11	Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 27 апрель, ПФ-5986-сон	18-сон «Норма маслаҳатчи»
12	Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумати кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 28 апрель, ПҚ-4699-сон	18-сон «Норма маслаҳатчи»
13	Аҳолининг уй-жой шартини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 1 май, ПҚ-4701-сон	18-сон «Норма маслаҳатчи»
14	Тўйимчилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 5 май, ПФ-5989-сон	19-сон «СБХ»
15	Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 1 май, ПҚ-4700-сон	19-сон «СБХ»
16	Худудларни иқтисодий-иқтисодий риволангиратишнинг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида	2020 йил 1 май, ПҚ-4702-сон	19-сон «СБХ»
17	2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида	2020 йил 12 май, ПФ-5992-сон	20-сон «СБХ»
18	Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 7 май, ПҚ-4707-сон	20-сон «СБХ»
19	Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 18 май, ПФ-5996-сон	21-сон «СБХ»
20	Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 18 май, ПФ-5995-сон	21-сон «СБХ»
21	Худудларга қўн қаватли бинолар қуриш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 19 май, ПҚ-4718-сон	21-сон «СБХ»
22	Давлат ҳўкуий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 19 май, ПФ-5997-сон	22-сон «СБХ»
23	Қўн қаватли уйлари улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида	2020 йил 27 май, ПҚ-4732-сон	23-сон «Норма маслаҳатчи»
24	Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 28 май, ПҚ-6002-сон	24-сон «СБХ»
25	Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида	2020 йил 5 июнь, ПФ-6005-сон	24-сон «СБХ»
26	Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 8 июнь, ПҚ-4742-сон	24-сон «СБХ»
27	Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 18 июнь, ПФ-6010-сон	25-сон «СБХ»
28	Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 16 июнь, ПҚ-4752-сон	25-сон «СБХ»
29	Низоларни муҳобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 17 июнь, ПҚ-4754-сон	25-сон «СБХ»
30	Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида	2020 йил 19 июнь, ПФ-6011-сон	26-сон «СБХ»
31	Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизлигини кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда риволангиратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йил 19 июнь, ПҚ-4755-сон	26-сон «СБХ»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРЛАРИ			
1	2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни барқарорлигини таъминлаш ва ҳаражатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2019 йил 16 апрель, 232-сон	16-сон «Норма маслаҳатчи»
2	Тўам университетини ташкил этиш тўғрисида	2020 йил 18 апрель, 241-сон	17-сон «СБХ»
3	Тошкент вилоятида «Invest Village» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 18 апрель, 242-сон	17-сон «СБХ»
4	Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2020 йил 27 апрель, 260-сон	18-сон «Норма маслаҳатчи»

айнан ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи учун ҳисобга олинадди.

2-БОБ. УНДИРИЛИШИ УМИДСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИГАН СОЛИҚ ҚАРЗИ

4. Солиқ қарзи қуйидаги ҳолларда ундирилиши умидсиз деб эътироф этилади:

юридик шахс тугатилганда — юридик шахснинг мол-мулки етарли эмаслиги ва (ёки) шу юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда унинг солиқ қарзини ўзига имкони бўлмаганлиги сабабли унинг Солиқ кодексининг 91-моддасида назарда тутилган тартибда узилмай қолганда;

якка тартибдаги тадбиркор банкрот деб эътироф этилганда — қарздорнинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли солиқ қарзи (унинг қисми) узилмай қолганда;

жисмоний шахс вафот этганда ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганда — унинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли, шу жумладан мерос давлат мулкига ўтган тақдирда, унинг солиқ қарзи Солиқ кодексининг 94-моддасида назарда тутилган тартибда узилмай қолганда;

вафот этган жисмоний шахснинг меросхўри бўлмаганда ёки меросхўр (меросхўрлар) мерос олиш ҳуқуқидан воз кечганда;

солиқ органи солиқ қарзини ундиришининг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан уни ундириш имкониятини йўқотганлиги тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинганда, шу жумладан суд томонидан солиқ қарзини ундириш тўғрисида ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилганда;

чет эл юридик шахс солиқ органидан ҳисобдан чиқарилганда, доимий муассасанинг мол-мулки етарли эмаслиги ва Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс томонидан тўлаш имконсизлиги сабабли солиқ қарзи тўланмаганда.

Мазкур банднинг еттинчи хатбошисига асосан солиқ қарзи ундирилиши умидсиз деб эътироф этилгандадан сўнг чет эллик юридик шахслар солиқ органида қайтадан ҳисобга қўйилганда ёки фаолияти тикланганда солиқ қарзи ҳам қайта тикланади.

5. Қуйидагилар солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга:

мазкур Низомнинг 4-банди иккинчи—бешинчи хатбошларида назарда тутилган ҳолатларда, юридик шахс жойлашган ҳудуддаги ёки жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича солиқ органи;

мазкур Низомнинг 4-банди олтинчи ва еттинчи хатбошларида назарда тутилган ҳолатларда солиқ тўловчи ёки солиқ агенти ҳисобда турган жойдаги солиқ органи.

6. Солиқ тўловчи жойлашган жойдаги солиқ органининг солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарори солиқ тўловчининг бошқа ҳудудларда солиқ мажбурияти юзага келган солиқ органилари ёки йирик солиқ тўловчилари бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси (агар қарздор йирик солиқ тўловчи бўлса) томонидан ижро этилиши шарт.

7. Солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қорчи турувчи солиқ органи томонидан нотўғри ҳисобланган солиқ қарзи аниқланган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

3-БОБ. СОЛИҚ ҚАРЗИНИ УНДИРИЛИШИ УМИДСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ВА УНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

8. Солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор ушбу Низомнинг 9-бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг иловасига** мувофиқ шаклда солиқ органи раҳбари (уринбосари) томонидан қабул қилинади.

9. Қуйидаги ҳужжатлар солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш учун асос бўлади: қарздор юридик шахс, чет эл юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлик тоаимилларида кўра

туғатишга доир иш юритуви тамомланганлиги тўғрисидаги суд ажрими асосида солиқ тўловчини ягона давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисида Давлат хизматлари марказининг маълумотномаси;

чет эл юридик шахсини солиқ органидан ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи маълумотнома ва тўланмаган солиқ қарзи бўйича мол-мулк етарли эмаслиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига асосан давлат ижросининг қўрилган чоралар натижасиз бўлганлиги ва солиқ қарзини ундириш имконсизлиги ҳақидаги қарори;

қарздор жисмоний шахснинг вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги суд ажрими, меросхўрларнинг меросдан воз кечганлиги ёки меросхўрларнинг йўлиги сабабли, меросни эгасиз деб топиш тўғрисида суд қарори;

солиқ органи солиқ қарзини ундиришининг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан уни ундириш имкониятини йўқотганлиги ёки солиқ қарзини ундириш тўғрисида ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этганлиги тўғрисида суд қарори.

10. Жисмоний шахснинг вафот этганлиги ҳақида маълумотлар солиқ органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган ҳолда махсус электрон ҳужжат алмашиш тизими орқали ёки солиқ органининг сўрови асосида Давлат хизматлари марказидан олинади.

Вафот этган жисмоний шахс яшаш жойидаги солиқ органи ушбу шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан бир ой ичидан уни (уларни) солиқ қарзи мавжудлиги тўғрисида баҳардор қилади.

4-БОБ. УНДИРИЛИШИ УМИДСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН СОЛИҚ ҚАРЗИНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ВА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛГАН СОЛИҚ ҚАРЗЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

11. Солиқ қарзини ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан кейинги иш кунидан кечиктирмай солиқ органи солиқ тўловчининг шахсий картчасига тегишли ёзув киритади.

Бунда, ушбу ёзувни шахсий картчага киритиш алоҳида модул орқали амалга оширилади ҳамда солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида солиқ органи қарорисиз солиқ тўловчининг шахсий картчасига ёзув киритилиши тақиқланади.

12. Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқаришда ортиқча тўлов юзага келишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг умидсиз деб топилган ёки ундируви меросхўр(лар)га қаратилган солиқ қарзига ҳисобланган пеня ва жарималар суммаси ундирилиши умидсиз деб эътироф этилади ва ҳисобдан чиқарилади.

13. Ҳисобдан чиқарилган ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзи ҳисоби солиқ органи томонидан махсус электрон дастури орқали олиб борилади ва асос бўлган ҳужжатлар ушбу дастурга электрон кўринишида сақлаб (бириктириб) қўйилади.

14. Ҳисобдан чиқарилган ундирилиши умидсиз солиқ қарзи бўйича ҳужжатлар солиқ органининг қарори қабул қилинган санадан бошлаб беш йил давомида солиқ қарзини ҳисобдан чиқарган солиқ органида алоҳида иш жилдида сақланади.

15. Солиқ органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобдан чиқарилган ундирилиши умидсиз солиқ қарзлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5 санасига қадар киритиб борилади.

5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

16. Мазкур Низом талабларининг бўзилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**Низомга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқсин ва уларни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қўмита:

а) бир ой муддатда рақобатни таъминлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини тубдан такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2020 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги ва «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуларига давлат бюрократиялари, стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналар билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган шахсларга, шунингдек ўзининг аяқуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаган ёки улар тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этган давлат харидлари ҳамда стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналар харидлари икромчиларига тендер ва танлов савдоларида, энг яхши тақлифларни танлаб олиш тартиб-таомилларида ва тўғридан-тўғри музокараларда иштирокини тақиллаш ва бундай қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарлиқни белгиллаш тўғрисида тақлиф киритсин;

в) Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳўзуридаги Давлат хизматлари агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2020 йил 1 октябрга қадар давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларини, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларини тақил эттиш (қайта тақил эттиш) да дастлабки розилик олиш тартиби тўғрисидаги низоми;

2020 йил 15 октябрга қадар харидлар жараёнида давлат бюрократиялари, стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналар ўзларининг аффилиланган шахслари ҳақидаги, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг аяқуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) ҳақидаги маълумотларни мажбурий ошкор этиш тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин;

г) Молия вазирлиги ва Иқтисодий тараққийёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар тақдим этилган имтиёз микдорларини қутилаётган натижалар ва олинган мажбуриятларга, Ўзбекистон Республикасини иқтисомий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобат муҳитига таъсири даражасини тизимли равишда мониторингини юритиш ва самарадорлигини баҳолаш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг энг яхши тақлифларини танлаб олиш йўли орқали харидларни амалга оширишни тўлиқ электрон шаклда, Интернет тармоғи орқали онлайн тарзда амалга оширишга ўтказишни таъминласин;

е) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Иқтисодий

тараққийёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда ҳалқаро молиявий ташқилотларнинг, шу жумладан Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққийёт банкининг техник қўмағини жалб қилиш орқали;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташқилотининг (ОЭСР) Товар бозорларини тартибга солиш Индекси (Product Market Regulation-PMR) асосида республикада иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобат муҳити диагностикасини амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқсин ҳамда хорижий амалиёт асосида монополияга қарши курашишнинг янги самарали инструментларини жорий қилсин;

янги таҳрирдаги «Рақобат тўғрисидаги» қонуни лойиҳасини ва бошқа норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишда етакчи ҳалқаро экспертларни жалб қилсин;

ривожланган давлатларнинг монополияга қарши курашиш органлари, шу жумладан Ҳалқаро рақобат тармоғи (International Competition Network) билан рақобатни ҳўмоя қилишдаги долзарб масалаларнинг муҳокамасини амалга ошириш учун тизимли мулоқотни ўрнатсин;

монополашган соҳаларни тақил қилиш ва уларда рақобатни ривожлантириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш, шунингдек Қўмитанинг институционал салоҳиятини оширишга қўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

ж) Иқтисодий тараққийёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳўзуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар амалдаги маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳўлда фойдаланиш имконини берувчи, онлайн режимда товар ва молия бозорларида хўсусий тадбиркорлик субъектларининг мавжудлигини, шунингдек, давлат харидларини амалга оширишда иштирок этаётган аффилиланган шахсларни аниқлашга хизмат қилувчи электрон тизимни жорий қилсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий теледиоккомпаниясига оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритишга оид чиқишлар ва тематик дастурларни тақил эттиш тавсия этилсин.

11. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳўжатларига ушбу Фармондан кўлиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низо-миддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 6 июль
ПФ-6019-сон.

*ЎЗР Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонида
1-ИЛОВА*

2020–2024 ЙИЛЛАРДА ТОВАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИДА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

1-БОБ. СТРАТЕГИЯНИ ҚАБЎЛ ҚИЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ЗАРУРИЯТИ

Бугунги кўнда, самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда товарлар ва хизматлар бозоридagi монополияни босқичма-босқич камайтириш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун устувор йўналиш бўлиб қолимоқда.

Шу мақсадда, мамлакат иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ва бозор механизмларида ўтиш амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти соҳасида 86 та

айрим лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари, шу жумладан 38 та турини 16 тага бир-лаштириш, 25 та тури бўйича расмийлаштириш муддатларини қисқартириш ҳамда 14 та лицензия ва рухсат берувчи ҳўжатларни беришни марказлаштириш орқали бекор қилинди ва солиқ юки камайтирилди.

Тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланаётгани қайд этилмоқда, сўнгги уч йилнинг ўзида амалдаги тадбиркорлик субъектлари сони 25 фоизга ошди.

Қўрилаётган чоралар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган кўплаб озиқ-овқат (алкоголсиз

ичимликлар, шарбатлар, нон, нон маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда айрим ноэтик-овқат товарлар (мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари, тўйимачилик ва бошқалар) бозорларида рақобатнинг ривожланишини таъминлади. Қурилиш материаллари, кабель ва сим маҳсулотлари, пул ўтказмалари хизматлари бозорида йирик компанияларнинг монополияси тугатилди.

Яратилган биржа механизми бозор иштирокчиларини юқори ликвидли ва монопол турдаги хом ашё ва материаллар билан бир хилда таъминлаш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси товар айланмасининг 65 фоизини монопол маҳсулотлар ташкил этади.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сўнгги йилларда монопол корхоналар сони икки баравардан ортиққа қамайд.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги тизимли муаммолар ҳал этилмаган:

иқтисодиётда давлатнинг ҳаддан зиёд юқори иштироки; нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши; имтиёз ва преференцияларнинг самарасиз тизими; бизнес субъектларига юқори тартибга солиш юки ва тармоқ тартибга солишчи органларнинг рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги;

табiiй монополия ҳолатини суиистеъмол қилиш; рақобатга қарши ҳолатларга қарши курашиш ҳуқуқий механизмларнинг тақомиллашмаганлиги.

§ 1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки

Бугунги кунда товар ва молия бозорларида давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар устун макўга эга бўлиб қолмоқда, масалан, монопол ташкилотларнинг 80 фоизи давлат улушига эга ёки давлат улушига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат қилинади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг давлатга тегишлилиги ва давлат томонидан назорат қилиниши масаласи қонун ҳўжатларида тартибга солилмаганлиги тўғрисида давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки даражасини аниқлашда қийинчиликлар сакланиб қолмоқда.

Давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар рақобат ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган давлат унитар корхоналари (ДУК) ва шўба корхоналар кўринишида ўзларининг назорати остидаги тузилмалар ташкил этмоқда. Бугунги кунда бундай корхоналар сони 4 300 тадан ортиқни ташкил этмоқда, шу жумладан акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлари шаклида – 1 300 тадан ортиқ, давлат унитар корхонаси шаклида – 1 800 тадан ортиқ ва уларнинг аффилиланган шахслари – 1 100 тадан ортиқ.

Бозор муҳитининг ривожланмаганлиги ва давлатнинг иқтисодиётдаги ҳаддан зиёд юқори иштироки давлат иштирокидаги алоҳида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарасизлигига олим келмоқда, бу эса «ўзаро кешилувчи» субсидиялаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим этиш кўринишидаги давлат кўмаги орқали қопланмоқда.

Молия ва капитал бозорларида (биржа, марказий депозитарий, банклар) давлатнинг иштироки ва унинг ваколатларининг юқори концентрацияси сакланиб қолмоқда, бу эса манфаатлар тўқнашуви келтириб чиқармоқда ва бозор механизмларининг ривожланишига тўсиқлик қилмоқда.

Масалан, фонд биржасидаги қимматли қозғолар операциялари бўйича ҳисоб-китоб хизмати давлатга тегишли «Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки» АЖнинг монополияси ўрнатилган. Умуман олганда, банк секторининг 83 фоизи давлат иштирокида фаолият кўрсатмоқда.

§ 2. Нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши

Бугунги кунда давлат томонидан нархларни тартибга солиш (декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни), тартибга солиш коэффициентини, устама ва рентабелликнинг чегараланган даражасини ўрнатиш ва нархни тартибга солишнинг бошқа усуллари) 30 дан ортиқ товар ва хизматларга нисбатан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, табiiй монополиялар соҳасида 10 хил тур-

даги товар (иш, хизмат)лар тартибга солинишига қарамасдан, амалда истеъмолчилар ва етказиб бериувчилар тоифалари, шунингдек, ҳудудий принцинга қараб ўрнатиладиган 137 хилдаги нарх даражалари орқали тартибга солинмоқда.

Монопол корхоналар ва табiiй монополия субъектлари томонидан фойдаланилаётган харажатларга асосланган нархларни шакллантириш усули харажатларга минимал фойдани қўшиш схемасидан иборат бўлиб, у харажатларнинг асоссиз ўсишига ўндайди, ишлаб чиқариш таннархнинг пасайишини рағбатлантирмайди, харажатларнинг ўсиши эса, нархлар ва тарифларнинг истеъмолчилар учун тўғридан-тўғри ошириш ҳисобига қопланади.

§ 3. Имтиёз ва преференциялар тақдим этишнинг самарасизлиги

Давлат кўмагини кўрсатишнинг монополияга қарши тартибга солиш воситалари мавжуд эмаслиги берилаётган имтиёз ва преференцияларнинг самарасизлигига олиб келмоқда ва рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда 40 мингдан зиёд ҳўжалик юритувчи субъектларга, яъни фаолият юритаётган субъектларнинг умумий сонининг 12 фоизига солиқ имтиёзлари берилган. Бундай вазият товар ва молия бозорларида тенг бўлмаган шароитларни вужудга келтиради.

§ 4. Бизнес субъектларига тартибга солиш юқининг юқорилиги ва тармоқни тартибга солишчи органларнинг ўз соҳасида рақобатни ривожлантиришга манфаатдор эмаслиги

Вазирлик ва идораларнинг ўзлари томонидан тартибга солинадиган тармоқларда рақобатни ривожлантириш бўйича фаолияти сустлигича қолмоқда. Иқтисодиёт соҳасида мавжуд 38 та давлат органидан фақатгина 11 тасига ўз соҳасида рақобатни ривожлантириш бўйича тўғридан-тўғри функциялар юқатилган.

Бундан ташқари, қонун ҳўжатларининг тартибга солиш таъсирини ва рақобат муҳитига таъсирини баҳолашнинг тўлақонли тизими татбиқ этилмаган.

Бунинг натижасида, амалдаги 61 та яқин лицензиялар доирасида 266 тадан ортиқ фаолият турини лицензияланиши ҳамда 137 турдан ортиқ рўхсат бериш тартиб тамойилларини назарда тутувчи қийин ва мураккаб лицензиялаш тизими, шунингдек, бизнесга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи 6 мингдан ортиқ норматив-ҳўқуқий ҳўжат ва 40 мингга техник жиҳатдан тартибга солишчи ҳўжатларда тадбиркорлик субъектларининг бозорларга кириши учун сунъий тўсиқлар сакланиб қолмоқда.

Қонун ҳўжатларида тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлигининг барча асосий қафолатлари мустаҳкамланган бўлса-да, Жаҳон банки маълумотларига қўра охириги йилларда Ўзбекистонда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф оқими кўрсаткичи пастлигига қилиб ЯИМга нисбатан 0,5–1,2 фоизни ташкил этмоқда, Иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз 180 та давлат орасида 114-ўринни эгалламоқда. Инвестиция фаолиятини эркинлик индикатори бўйича кўрсаткич 100 дан 20 га тенг бўлмоқда.

§ 5. Табiiй монополия ҳолатини суиистеъмол қилиш

Чекланган рақобат муҳитига эга бўлган бозорларнинг, биринчи навбатда, табiiй монополиялар соҳаларининг мавжудлиги, ўзаро боғлиқ бўлган бозорларга таъсир қилиб, аксарият ҳолларда, уларни монополаштирилади.

Табiiй монополиялар тўғрисидаги қонун ҳўжатлари, табiiй монополия субъектларига табiiй монополия соҳасига киритилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларидаги рақобатни чеклаш учун ўз макъидан фойдаланиши ман этилганлигига қарамасдан, бугунги кунда бир қатор ўзаро боғлиқ рақобат таъминлаш имконияти мавжуд бўлган бозорлар, мисол учун, темир йўллари транспорт соҳасида – темир йўллари чипталарини сотиш, юк вагонларини таъмирлаш, вагон-ресторанлар хизматлари, вагонларни тозалаш ва бошқа бозорлар амалда монополаштирилган.

§ 6. Рақобатга қарши ҳарақатларга қарши курашишнинг ҳўқуқий механизмлари тақомиллашмаганлиги

Бозорга кириш учун тўсиқларни бартараф этишда, йирик корхоналар монополиясига ва «картель» келишувларга қарши курашишда, инфосфиз рақобатнинг олдини олишда таъсирчан механизмлар мавжуд эмас ва амалда монополияга қарши орган-

рининг қурилмаларини жорий этиш ҳисобига қўп қаватли турар жойларда истиш ва совутиш эҳтиёжлари учун энергия истеъ-молини пасайтириш;

табiiй газ истеъмолини пасайтириш мақсадида республика-даги қозонхоналарда сув истиш учун энергия самарадор қуёш тизимларини ўрнатиш.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мақсадли дас-турларни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг ҳисоб-ки-тоблари тақдим этилишига қараб халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари (грантларини) жалб қилинишини белгиланган тартибда таъ-минлансин.

12. Бош вазир ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва кам-бағаллиқни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Энергетика вазирлиги (Султанов):

а) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда жаҳон бозоридан нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нефть-газ ва электр энергетикаси соҳаси корхоналари ўртасидаги ўзаро харид нархлари ва даромад тақсимоли схемасини қайта кўриб чиқсин;

б) Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, илгор жаҳон тажрибаси асосида энергияни тежаш ва энер-гия самарадорлик соҳасидаги қўнун ҳужжатларини хатловдан ўтказсин ва 2020 йил 1 ноябргача:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергия самара-дорлиги соҳасини жадал ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратувчи механизмлар;

иқтисодиёт тармоқлари, бино ва иншоотлар, шунингдек, икти-моий соҳада энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини таъминлаш нормаларини белгилловчи «Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунини лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Белгилансинки, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манба-ларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, иқлим ўзгаришининг оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оши-риш ва табиий экотизимларни муҳофаза қилиш бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, давлат ривож-лантириш дастурлари ва инвестиция дастурлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камба-ғаллиқни қисқартириш вазирлиги билан мажбурий равишда келишилиши лозим.

14. Иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсу-лотларига қарамлигини қисқартириш бўйича вазибаларни са-марали мувофиқлаштириш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти тузилмасига энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиснинг битта қўшимча штат бирлиги киритилсин.

15. Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирли-ги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қўнун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов ва Ўзбе-кистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 июль
ПҚ-4779-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

УНДИРИЛИШИ УМИДСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН СОЛИҚ ҚАРЗНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3256

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 96-моддасига асосан Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2020 йил 1 сентябрдан қучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Ш.КУДБИЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июнь
2020-22-сон.

ЎЗР ДСҚнинг 2020 йил 1 июндаги 2020-22-сон қарорига
ИЛОВА

УНДИРИЛИШИ УМИДСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН СОЛИҚ ҚАРЗНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади), Фуқаролик кодекси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қўнунига мувофиқ унди-рилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низоми талаблари бюджет ташкилотлари, давлат корх-оналари ва нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Солиқ қарзи солиқ органи томонидан қабул қилинган қарорга асосан ундирилиши умидсиз деб эътироф этилади ва ҳисобдан чиқарилади.

Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзининг ҳисоби уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган солиқ органи томонидан юритилади.

3. Субсидиар тартибда қўрилган чоралар натижасида солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилгандан кейин ундирилган солиқ қарзи

*Ушбу қарор Қўнун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.09.2020 йилдан қучга киради.

рини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самардорлигини ошириш; шу жумладан, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек, энергия аудитини ўтказиш;

энергия самардорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш йўналишида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш (бино ва иншоотларни қуришдан ташқари) ва семинарлар ўтказиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари, иссиқлик насослари, рекуператорлар, реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле ҳимояси учун микропроцессор блоклар, частотали ўзгартиргичлар ва бир текис ишга тушириш қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича стартап-лойдларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармалари (капиталлари) ҳамда корхоналарнинг лойиҳаларини шакллантиришда иштирок этиш;

Жамғарманинг иккю этувчи дирекциясини ташминлаш, унинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларни моддий рағбатлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самардорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тежор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4422-сон қарорининг 6-бандида қўрсатилган тадбирларни ўтказиш;

ҳужайка юритувчи субъектларда энергия аудити ўтказиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг қўлаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

шаҳар транспортининг ёқилғи-энергетика самардорлигини яхшилаш, шунингдек, энергия харажатларини камайтириш учун транспорт оқимларини ахборот ва иммитатсион моделлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича инновацион тадбирларни ўтказишга йўналтирилади.

Энергетика вазирлиги бир ой мuddатда бюджетдан ташқари Тармоқларо энергияни тежаш жамғармаси фойлиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Энергетика вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ой мuddатда қуйдагиларни назарда тутувчи ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетик текширувлардан ўтказиш қондаларини қабул қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

энергетика текширувларини (энергия аудитини) ўтказишни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; энергия аудиторини танлашнинг бозор механизмини жорий этиш;

тарифларни тартибга солиш, шу жумладан, энергия аудити якунларига қўра тавсияларни бажармаган корхоналар учун энергияни меъёрдан ортиқча истеъмол қилганлик учун оширилган ставкаларни қўллашнинг самарали механизмини яратиш;

б) икки ой мuddатда 285 та йирик санот корхонасида энергия аудитини ўтказиш учун етакчи компаниялар (маҳалли ва халқро) жалб қилинишини ташминлаш ва ушбу корхоналар рўйхатини кенгайтириш масаласини қўриб чиқсин.

8. Энергия самардорлигини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиришни жадаллаштириш, энергия тежайдиган технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш мақсадида икки ой мuddатда:

а) Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларининг сарфланишини нормалаштириш тўғрисидаги низомини;

қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида аукцион савдо-ларини ўтказиш регламентини;

б) Энергетика вазирлиги:

қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергияни ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳисобга олиш регламентини;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг кичик объектларидан электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини;

қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган энергия ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини сертификатлаштириш регламентини;

Санот қўламадаги фотоэлектрик қуёш электр станцияларини жойлаштириш регламентини тасдиқласин.

9. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот тежовчи технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги:

а) уч ой мuddатда Энергетика вазирлигининг қуйдагиларни назарда тутувчи автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда – Ягона ахборот тизими) яратиш бўйича техник топширини ишлаб чиқсин;

йирик санот корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини таҳлил қилиш ва прогнослаштириш;

энергия ишлаб чиқарувчиларнинг (йирик истеъмолчиларнинг) идентификация рақамини онлайн-режимда бериш ва ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергия бўйича тегишли ҳисоботларни электрон шаклда юборишнинг соддалаштирилган механизми;

ишлаб чиқарилган (истеъмол қилинган) энергияни ҳисобга олиш маълумотларини автоматик тарзда йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, йирик санот корхоналарининг энергия самардорлигини аниқлаш;

қайта тикланувчи энергетика соҳасида реверс аукцион онлайн-савдоларини ўтказиш учун ҳимояланган савдо майдончасини яратиш;

б) 2021 йил якунигача ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий қўрсаткичларни ўз ичига олган зарур ахборотларнинг тармоқларо электрон алмашувини назарда тутган ҳолда Ягона ахборот тизимининг ишга туширилиши ва Электрон ҳукумат билан интеграциялашувини ташминласин;

а) Ягона ахборот тизимидан олинган таҳлилий маълумотлар асосида юқори энергия истеъмолига эга корхоналарни мажбурий энергия аудитидан ўтказиш механизмининг жорий этсин;

Ягона ахборот тизимини яратиш ва ишга тушириш доирасида қуйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги буюртмачи этиб;

Жамғарма маблағлари, халқро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиланмаган бошқа маблағлар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

10. Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

уч ой мuddатда намунавий уйлар ва ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қуёш тизимларини ўрнатиш, шунингдек, шумоот биноларида энергия самардорлигини ошириш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқсин;

жорий йилнинг 1 августидан қўп қаватли уйларни қуриш ва лойиҳалаштириш доирасида замонавий энергия тежайдиган материаллар, энергия самардор технологияларни қўллаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича назорат қилиш тизимини жорий этсин. Шаҳарларда қўп қаватли жижорат уйларини қуришда мажбур талаблар мажбурий равишда қўлланын.

11. Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш вазирлиги маҳалли ҳокимият органлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой мuddатда қуйдагилар бўйича мақсадли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2020-2022 йилларда республиканинг барча ҳудудларида биноларнинг иссиқлик ҳимоясини ошириш, энергия тежайдиган технологиялар, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбала-

нинг қарорлар қабул қилишда мустақиллиги чекланган.

Рақобатни чеклашга йўл қўймайлик бўйича превентив ва олдини олувчи чоралар тизими шаклланимаган, йирик корхоналарни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимлар устидан таҳлил ўтказиш ва самарали монополияга қарши назоратни амалга ошириш механизми ўрнатилмаган, савдолар жараёнида рақобатни чеклашнинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмлари самарасизлигига қўлмоқда, монополияга қарши орган фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаган.

2-БОБ. СТРАТЕГИЯНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Стратегиянинг асосий мақсади самарали фаолият юртакдиган бозорларни ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобига иқтисодий ўсишни ва инновацияларни рағбатлантириш, инвестициялар қилини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади.

2.2. Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш;

шаффофлик ва кириш учун тенг шaroитларни таъминлашда ҳолда самарали фаолият юртакдиган бозорларни яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юқини ва харажатларини, иқтисодиётда давлатнинг иштироки даражасини камайтириш, шунингдек, давлат кўмаги тақдим этилишини тартибга солиш;

нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш тизимини яратиш;

табiiй монополиялар соҳаларининг рақобат мавжуд бозор ҳолатига ўтиши учун тўсиқларни бартараф этиш;

рақобат чекланишини олдини олувчи воситаларни жорий этиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига нисбатан, биринчи навбатда, «картель» келишувлар ва тил бириктиришларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини кучайтириш; рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишнинг самарали воситаларини жорий этиш;

монополияга қарши орган фаолиятининг шаффофлигини ва самарадорлигини таъминлаш, жамиятда рақобат маданиятини ва рақобатга қарши ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлигини шакллантириш;

Монополияга қарши курашиш кўмитасининг кадрлари салоҳиятини тизимли шаклда ошириб бориш.

3-БОБ. СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

3.1. Қуйидагилар орқали рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш:

бозор иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишга ўтишни назарда тутувчи «ақили» монополияга қарши тартибга солиш моделини жорий қилиш, ҳалол рақобатни рағбатлантирувчи тизимни яратиш, жараёнларни рақамлаштириш орқали рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига олдиндан йўл қўймайлик (профилактика) механизмларини жорий этиш;

хулқ-атвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойилларига асосланган товар ва молия бозорларини таҳлил қилиш воситаларини жорий этиш;

Бутунжаҳон иқтисодий форуми Глобал рақобатбардошлик индекси ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти товар бозорини тартибга солиш индекси методологияси асосида товар ва молия бозорларида рақобат ҳолатини мунтазам диагностика қилиш;

бозор иштирокчиларига нисбатан маъмурий юқини камайтириш мақсадида монопол корхоналар Давлат реестри ва табiiй монополиялар Давлат реестрларини юртишчи бекор қилиш;

бозор улушига асосланган устуллик мавқеини аниқлаш мезонларини қайта қўриб чиқиш ва бозордаги устулликни аниқлашда бозор иштирокчиларининг рақобатга зид хулқ-атворини баҳолашга ўтиш;

бозор концентрациясини (қўшиб юбориш ва қўшиб олиш) тартибга солишда жараёнларни рақамлаштириш ва рақобатга

бўлган таъсирини баҳолаш сифатини ошириш йўли билан янада такомиллаштирилган механизмини яратиш;

тармоқлардан ва фаолиятни ҳалол амалга оширишдан келиб чиққан ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектларни тоифалаштиришни назарда тутувчи монополияга қарши давлат назоратини амалга оширишда хавф-хатарга асосланган ёндашушни жорий этиш.

3.2. Самарали фаолият кўрсатадиган бозорларни яратиш, уларнинг шаффофлигини ва кириш учун тенг шaroитларни таъминлаш, шу жумладан:

асосий товар ва молия бозорларда бозор иштирокчилари сонини кўпайтириш ва улар учун киришни соддалаштириш ҳисобига уларнинг самарадорлигини оширишни назарда тутувчи рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

тендер савдолари жараёнида рақобат тўғрисидаги қонун бузилишларини аниқлаш механизминини кучайтириш ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан кичик бизнес субъектларига давлат харидлари жараёнларида катнашиш учун тенг имконият яратиш;

стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳўжалик жамиятлари ва корхоналарга монополияга қарши талабларни киритиш йўли билан уларнинг харидлари жараёнида рақобатни таъминлаш;

биржа савдоларига чиқариладиган товарлар номенклатурасини кенгайтириш ва уларга тадбиркорлик субъектларининг эркин киришини таъминлаш орқали биржа савдолари механизмининг такомиллаштириш;

биржа савдолари жараёнида юқори талаб даврида нархларнинг манипуляциясини олдини олиш бўйича монополияга қарши таъсир кўрсатиш механизминини ишлаб чиқиш;

чакана ва улгуриж савдога нисбатан монополияга қарши талабларни жорий этиш.

3.3. Қуйидагилар орқали тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юқини ва харажатларини, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини камайтириш ва давлат кўмагини кўрсатилишини тартибга солиш:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг рақобатга таъсирини баҳолаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни монополияга қарши қонун ҳужжатларига мубофиқлиги нўқтаи назаридан «гильтина» усулидан фойдаланган ҳолда комплекс ўрганиб чиқиш;

амалдаги лицензия турлари ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни қайта қўриб чиқиш, кейинчалик уларни камида икки бараварга қисқартириш;

давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиш мақсадларини белгилаш механизмининг жорий қилиш ва бозорда ҳусусий сектор мавжуд бўлган ҳолда давлат корхоналари ташкил этилишини чеклаш кўзда тутувчи «сарик саҳифалар» тамойилига ўтиш;

рақобат муҳитига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида давлат иштирокдаги корхоналарни ташкил қилишда монополияга қарши орган розилигини олиш механизмининг жорий қилиш;

давлат органларининг айрим давлат ва ҳўжалик функцияларини бажариш учун ҳусусий секторни жалб қилиш бўйича дастурларни тайёрлаш;

рақобатга салбий таъсир кўрсатадиган давлат органлари томонидан таъсис этиладиган, шунингдек, давлат иштирокдаги йирик ҳўжалик бирлашмалари ва табiiй монополия субъектлари билан аффилиланган давлат унитар корхоналари сонини қисқартириш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига «давлат кўмаги» тушунчасини ҳамда имтиёзлар ва преференциялар берилишида монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олишни назарда тутувчи механизмининг жорий қилиш;

имтиёз ва преференцияларнинг реестрини жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

давлат томонидан берилган имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

ўзини ўзи тартибга солиш механизмининг каби давлат томонидан тартибга солишга мўқобил бўлган механизмларни жорий қилиш.

3.4. Рақобатни рағбатлантирувчи таъсирини вужудга келтирувчи нархларни шакллантиришнинг юқори самарали усулларини қў-

лаган ҳолда нархларни (тарифларни) давлат томонидан оқилона тартибга солиш тизимини яратиш:

иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, истеъмолчиларнинг манфаатлари, харажатларни камайтириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан харажатларни пасайтириш ва сармоянинг қайтишини рағбатлантиришга асосланган товар ва молия бозорларидаги нархларни (тарифларни) шакллантиришда бозор механизмларига тўлақонли ўтиш;

табiiй монополия субъектлари фаолиятида рақобатни рағбатлантириш эффектини яратувчи нархларни шакллантиришнинг прогрессив бозор механизмларини (инвестиция қилинган сармоянинг иқтисодий асосланган рентабеллиги усули (Regulatory Asset Base), киёсий таҳлил ва бошқалар) жорий қилиш;

тартибга солинадиган ҳўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг асослигини аниқлаш учун таққосланадиган бозорлар ва ўзаро боғлиқ бозорларда нархларнинг «киёсий қийматлари» усулидан фойдаланишни назарда тутадиган тартибга солинадиган нархлардан фойдаланишнинг мониторинг қилишнинг янги моделини ишлаб чиқиш.

3.5. Қўйидагилар орқали табiiй монополия соҳаларининг рақобат бозори ҳолатига ўтиши учун тўсиқларни бартараф этиш:

табiiй монополия субъектлари фаолияти ва ишлашини, шу жумладан ўзаро боғлиқ бозорларда рақобат шартлоларини яратиш имконияти нуқтан назардан ўрганиб чиқиш;

табiiй монополия субъектлари фаолиятининг шаффофлигини ва уларнинг инфратузилмасига ҳўжалик юритувчи субъектларнинг камситишсиз киришини таъминлаш;

электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш функцияларини хусусий секторга ўтказиш ва электр энергиясининг улгурчи бозорини босқичма-босқич шакллантириш;

темир йўл ва ҳаво транспортда ташиш бозориди рақобатни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

3.6. Рақобатни ҳимоя қилишда қўну ҳўжатлари талаблари бузилишига олдиндан йўл қўймаслик (профилактика) воситаларини, шу жумладан давлат органларида ва ҳўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплекси — рақобат тўғрисидаги қўну ҳўжатларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хавф-хатарларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички тартиб-қондалар тизимини жорий қилиш.

3.7. Қўйидагилар орқали тил бириктиришлар ва «картель» келишувларини бартараф этиш чора-тадбирларини кучайтириш ва ҳалол рақобатни рағбатлантириш:

ижтимоий аҳамиятга эга ва монопол турдаги товарлар ва хизматлар нархларини доимий кузатиб боришининг янги механизмин ишлаб чиқиш;

тил бириктиришлар ва «картель» келишувларига қарши курашиш бўйича ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан битимлар тузиш;

«картель» келишувларини аниқлаш мақсадида «юмшатувчи ҳўлатлар» дастури самарадорлигини ошириш йўли билан жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш;

рақобат тўғрисидаги қўну ҳўжатларини бузганлик учун, шу жумладан «картель» келишувлари ва тил бириктиришларга нисбатан таъсир чоралари ва жазима санкцияларини қайта қўриб чиқиш;

рақобат тўғрисидаги қўну ҳўжатлари бузилишларига самарали чек қўйиш учун муайян ҳўлатларда монополияга қарши аралашувининг қўйи чегарасини жорий этиш;

ноҳалол рақобат ҳўлатларини содир этганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича қўну ҳўжатларига ўзгартиришлар киритиш;

интеллектуал мулк ҳўқуқларини бузадиган ноҳалол ҳўжалик юритувчи субъектлар реестрини юритиш;

информацион технологиялар ёрдамида Интеллектуал мулк агентлиги билан ахборот алмашинувнинг янги механизмларини жорий қилиш;

монополияга қарши курашиш органи ҳўзурида ҳўқуқшунослар, патент вакиллари ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги мутахассисларидан тузилган махсусотнинг ўхшашлик даражасини баҳолаш бўйича эксперт комиссиясини ташкил қилиш.

3.8. Қўйидагилар орқали рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишининг самарали воситаларини жорий этиш:

рақобат тўғрисидаги қўну ҳўжатларига «рақамли бозорлар» тушунчасини киритиш, уларнинг географик ва товар чегараларини ҳамда тартибга солиш усулларини белгилаш;

рақамли бозорларда устун мавқени аниқлаш мезонларини жорий этиш;

электрон тижорат орқали савдоларининг монополияга қарши қондаларини жорий этиш;

монополияга қарши тартибга солиш мақсадида «RegTech» (рақамли бозор иштирокчилари томонидан рақобат тўғрисидаги қўну ҳўжатлари талабларини самарали қўллашга имкон берувчи тартибга солиш технологиялари) концепциясига асосланган рақамли платформани яратиш;

рақамли бозорларда инновацияларни ортиқча тартибга солиш ҳўжатларисиз синаш имкониятини берувчи махсус ҳўқуқий режим — «тартибга солиш қўмдон» (regulatory sandbox) ни яратиш.

3.9. Қўйидагилар орқали монополияга қарши орган фаолиятининг шаффофлигини ва самарадорлигини таъминлаш, жамиятда рақобат маданиятини ва рақобатга қарши харажатларнинг ҳар қандай қўрнишларига нисбатан мурасасизлиқни шакллантириш: жамоат ташкилотлари, экспертлар ва бизнес ҳамжамиятлари билан ўзаро муносабатларни қўчайтириш ва уларни соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ишларига кенг жалб қилиш мақсадида «Рақобат 4.0» мунозаралар платформасини (майдончасини) янада ривожлантириш;

рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича Экспертлар кенгашини тузиш;

рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича нодавлат ташкилотларни шакллантириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти методикасига мувофиқ товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ривожланиш қўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти самарадорлигининг асосий қўрсаткичларини (КРП) жорий қилиш;

рақобатни чеклаш ҳўлатларини аниқлаш ва таъсир чораларини қўллаш тежорлигини ошириш мақсадида Монополияга қарши курашиш қўмитасининг фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари учун рақобат тўғрисидаги қўну ҳўжатларига оид бозор қўнималарини шакллантириш ва билмиларни ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш.

3.10. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадр салоҳиятини тизимли ошириш, шу жумладан:

олий таълим муассасалари ўқув дастурларига монополияга қарши тартибга солиш ва рақобат ҳўқуқи бўйича кадрлар тайёрлаш бўйича махсус йўналишларни жорий этиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ва ҳудудий органлари ходимлари учун рақобат тўғрисидаги қўну ҳўжатларини қўллаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.

4-БОБ. 2024 ЙИЛГА ҚАДАР ЭРИШИЛАДИГАН СТРАТЕГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МАҚСАДЛИ ҚЎРСАТКИЧЛАРИ

1. Монополашган товар бозорлари сонини камида 45 фоизга камайтириш.

2. Монопол корхоналар сонини 40 фоизга қисқартириш.

3. Монопол корхоналарнинг камида 80 фоизда монополияга қарши комплекси тизимини жорий қилиш.

4. Иқтисодиётда тақдим этилган имтиёзлар ҳажмини ЯИМ қўрсаткичига нисбатан 10 фоизгача камайтириш.

5. Эксклюзив ҳўқуқлар ва преференцияларни тақдим этишни қўзда тутган норматив-ҳўқуқий ҳўжатларнинг камида 60 фоизини бекор қилиш.

6. Иқтисодий эркинлик индексида Инвестицион фаолият эркинлиги индикатори бўйича қўрсаткич 20 дан 80 гача ошириш.

7. Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши ва унинг қўрсаткичларини изчил равишда яхшилаш.

8. Товар, молия ва рақамли бозорлар иштирокчилари сонини камида 25 фоизга ошириш.

9. Давлат харидлари иштирокчилари сонини 40 фоизга ошириш.

10. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки кўрсаткичини ЯИМ қўрсаткичига нисбатан 40 фоизгача пасайтириш.

11. «Тартибга солиш гильоти» усули фойдаланган ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жи-

ҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлардаги тадбиркорлик фаолиятини қийинлаштирувчи ва рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи нормаларни камида 30 фоизга қисқартириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА МАВЖУД РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ҚАРАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиётига кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг узлуқсиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 августдан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан электр энергиясини янги ишга туширилладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектрстанциялардан, шу жумладан, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф сотиш, тарқатиш ва етказиб бериш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда II тариф гуруҳи истеъмолчилари даражасида белгиланади;

санат қўламадиги (1 МВт ёки ундан ортиқ) қайта тикланувчи энергия манбалари (гидроэлектрстанциялардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш шаффоф аукцион (тенлов) савдолари орқали амалга оширилади;

2020 йил 15 июлдан 31 декабргача 750 кВАгача бўлган қувватда уланган ҳамда қўшимча учинчи сменани ташкил этган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар (Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича) учун тўғри давр – сутканинг қоронғи даврида (ягона электр энергетика тизимининг соат 22.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 06.00 гача бўлган минимал юкламалар соатларида) фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камайитириш коэффициенти қўлланилади;

юрдик шахслар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун олдидан тўлов қилиш тўғрисидаги мажбурий талабни 30 фоизгача камайитириш имконияти давлат корхоналари ва устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга таътиб этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ва маҳаллий ҳўкимият органлари билан биргаликда потенциал инвесторларни жалб қилиш масаласини ўрганиш учун ахборотни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш ҳамда фойдаланиш мўмкин бўлган бошқа расмий усуллар ёрдамида тарқатиш, шу жумладан, бизнес-тадбирларда иштирок этиш ва хорижда «goa-d-show»лар ўтказиш орқали тизимли асосда, бироқ йилгача бўлган бир маротаба белгиланган қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектрстанциялар портфелини шакллантиради.

2. Қўйиладилар:

3,3 миллиард кВт соат электр энергияси, 2,6 миллиард м³ табиий газ ва 16,5 млн тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи 2020–2022 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари 1-иловага** мувофиқ;

Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи

корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика ресурслари жами йиллик истеъмоли икки минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғиси бўлган корхоналарни мажбурий энергетик текширувдан (энергия аудитидан) ўтказишнинг 2021–2022 йиллар даврига мўлжалланган жадвали 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик ташкилотларининг биринчи раҳбарлигига ўшбу қарор билан тасдиқланган ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари ва мажбурий энергетик текширувлар ўтказиш жадвалини бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қўничи билан бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг тузилмасига кирди ва давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

4. Қўйиладилар:

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг тузилмаси 4-иловага** мувофиқ;

Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси Кузатув кенгашининг таркиби 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйиладилар Жамғарма маблагларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобига нефть-газ ва электр энергетика тармоқлари корхоналарининг соф фойдасидан 5 фоиз миқдордаги ўтказмалар;

энергияни меъёрдан ортиқча истеъмоли қилганлик учун корхоналарга қўлланиладиган оширилган тарифлардан тушумлار;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда аниқланган ҳўқуқбузарликлар бўйича ундирилган иқтисодий санкциялар суммасининг 20 фоизи;

кредитлар бериш ва Жамғарманинг бошқа молиявий-ҳўжалик фаолиятдан олинган фойда;

ҳалқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳамда донор ташкилотлари маблаглари;

жамғарма активларини бошқариш, шу жумладан, буш маблагларни банк муассасаларида депозит сифатида жойлаштиришдан олинладиган даромадлар;

тузилган шартномага мувофиқ молиявий қўлпа-қувватлашдан олинган фойданинг бир қисми, бунда унинг суммаси кўрсатилган хизматлар суммасининг йилгича беш фоиздан ошмаслиги лозим;

қўнун ҳўжжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблаглари:

бинолар ва қўп квартиралы уйларида энергия самарадор технологиялар ва тикланувчи энергия манбалари қўрилмала-

*Ўшбу қарор Қўнун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.07.2020 йилдан қўчга кирди.

**Қарор 1–5-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳўжжатиинг тўлиқ матни билан «Нот» АҚТ ва nnt.uz сайтида танилиш мўмкин.

ДИККАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштариоларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертанидан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда куйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;

2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;

3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари бўйича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;

4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва рестороанлар, дўкон ва сервис марказлари)да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Normальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;

5) «Roxytaxi» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд кунлари билан қутлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга қўра).

ҚЎШИМЧА БОНУСЛАР

обунани фақат имтиёзли давр – 2020 йилнинг 31 августига қадар расмийлаштирган обуначилар учун:

6) 2020 йилнинг сентябридан декабрь ойига қадар «Norma» ўқув марказининг 1 та семинарида иштирок этиш;

7) «Norma» ўқув марказида 30 академик соат ҳажмида 1 та масофали курсда (танловга қўра) ўқиш учун сертификатга эга бўлиш (1 та обуна – 1 киши);

8) дастлабки 500 нафар обуначига – «Қўшилган қиймат солиғи» китобини олиш учун ҳуқуқ берилади (1 та обуна – 1 та китоб)

Қўшимча маълумотларни (0-371) 200-00-30 телефони ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

да, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

11. Тахририят нашрлар чиқарилишига қараб ҳар ой якуни бўйича Обуначига электрон хисобварақ-фактура тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон хисобварақ-фактураларни улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаши шарт.

12. Акцепт мuddати 2020 йил 25 декабрдан қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки дозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мувофиқ жавобгар бўладилар.

14. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабаби нашрларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдига жавобгар бўлмайди.

15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдидан қўра олманган, оқилона чоралар билан олдидан ололмаган ҳақуқларда тўлашга ваъдалар натижада енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.

16. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш кунли мобайнида хабардор қилишлари керак.

17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этиладилар. Келишмовчилик эришилмаган тақдирда низо суд тартибда ҳал этилади.

18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати – 2020 йил 25 декабрдан.

19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ

100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўча, 1/1

Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,

Навоий кўча, 22

Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.

Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкда

МФО 00842

СТИР 305504530, ИФУТ 58130

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди:

326010039431.

Тел./факс (371) 147-11-72.

Басхадир КАЮМОВ,

«NORMA DAVRIY NASHRLARI»

МЧЖ директори.

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида joyлашган (истикомат қиладиган), куйида таклиф қилинган шартларни тўлашга (ўзи танлаган нашрларни хисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий офертанинг шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдирилади. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қанбул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шахс бўйича тўлиқланган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептнинг (бундан кейин – Акцепт) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий офертанинг шартларини бўйича обуна бўлишга розилини ҳақда Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устуңлари тўлиқ, қисқарттиришсиз, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлиқлини керак. Акцепт (78) 147-11-72 факси, obuna@norma.uz электрон почтаси орқали жўнатилиши ёки Тахририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Тахририят 2021 йил учун Акцептда кўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига қўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қийматини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабрдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят хисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдидан тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Тахририят унинг хисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга кирилади.

8. Тахририят почта бўлимида орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган нашрларни навоьдаги сон чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдир-

№ 28 (1352) ■ 2020 йил 14 июль

ГИЛАМ ТЎҚУВЧИ ЭКСПОРТЧИЛАР – ЭЪТИБОРДА

✓ ДАВЛАТ КЎМАГИ

Мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ амалий санъатини, шу жумладан ипак ва жундан қўлда гилам тўқиш соҳасини ривожлантириш ва ноёб санъат асари ҳисобланадиган ушбу гиламларни бозор талабларига уйғунлаштириш мақсадида Президентимизнинг «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (26.06.2020 йилдаги ПҚ-4759-сон) қабул қилинди. Хужжатда қўлда тўқилган гиламларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилиши белгиланган.

Ушбу механизм, хусусан, қуйидагиларни экспорт қилишда тақдим этилади:

1) тугуни гиламлар ва бошқа полга тўшаладиган тўқима қошамалар, тайёр ва тайёр бўлмаганлари:

- таркибда 10% дан ортик шой иплар ёки ипак чикитларидан йигирилган иплар бўлган, тарандилардан ташқари (ТИФ ТН коди 5701 10 100 0);

- ипак иплардан, ипак чикитларидан йигирилган иплардан, тарандилардан ташқари, сунъий иплардан, 5605-товар позициядаги иплардан ёки таркибда металл иплар бўлган тўқимачилик материалларидан (5701 90 100 0);

2) бошқа тўқилган гиламлар ва бошқа тўқима тўшамалар, тафтингли ёки флокирланмаган, тайёр ва тайёр эмаслари), шу жумладан «килим», «сумах», «кермани» ва бошқа шунга ўхшаш жундан ёки хайвонларнинг ингичка қилидан қўлда тўқилган гиламлар (5702 41 900 0);

3) жундан ёки хайвонларнинг ингичка қилидан тайёрланган гиламлар ва бошқа қилидан тафтинг тўшамалар, тайёр ва тайёр эмаслари) (5703 10 000 0).

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2021 йил 1 январга қадар «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тақлифига асосан жун, калаваланган жун ҳамда қўлда тўқилган гиламларни

олиб киришда импорт божлари мавжуд хорижий давлатлар билан мазкур импорт божларини бекор қилиш масаласини ушбу давлатлар билан ўтказиладиган ҳукуматлараро комиссия мажлисларининг кун тартибига киритиш вазифаси топширилди.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси бир ой муддатда ўтказилган таҳлиллар асосида Иктисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Давлат божжона қўмитасига белгиланган тартибда ҚҚС ва божжона божига тортилмайдиган, ўхшашли ўзРда ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинадиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига ўзгартириш киритиш бўйича тақлиф киритиши лозим.

Маълумот учун. Президентнинг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (17.11.2017 йилдаги ПФ-5242-сон) билан

- қўлда гилам тўқиш* Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (иш, хизмат кўрсатиш) турларининг рўйхатига (1-илова) киритилган;
- хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиши, шу эҳтимолдан, банк ҳисоб рақамдаги чет эл валютасини нақд шаклда олиш ҳуқуқи берилди;
- хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомидида сотилган хунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин. Бунда олинган даромад экспорт тушуми ҳисобланмайди.

*Гилам ва гиламчалар, палослар, хуржунлар, кигиз буюмлар, шолчалар, жойнамошлар, ўтовлар, табиий толадан тайёрланган буюмлар.

ТИББИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ
ИМТИЁЗЛИ ИМПОРТИ

✉ ПОЧТА КУТИСИ

? Дори воситалари ва тиббий буюмлар қайси норматив ҳужжатларга биноан божжона тўловларидан озод этилган? Уларнинг рўйхати борми?

– Президентнинг «Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (27.03.2020 йилдаги ПҚ-4662-сон) мувофиқ коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартибнинг амал қилиш даврида олиб кириладиган айрим турдаги тиббиёт товарларидан божжона божлари ундирилмайди. Улар қаторида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича божжона чегараси орқали ўтказилаётган зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё, материаллар ва субстанциялар бор (1-б.).

Ушбу тартиб амал қилиш даврида, истисно тариқасида, Президентнинг 29.01.2020 йилдаги Ф-5537-сон фармойишига асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясига (3-б.):

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига (ВМнинг 25.02.2011 йилдаги 49-сон қарорига 1-илова) қирадиган айрим тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларга 3 ойгача бўлган муддатга ҚҚС бўйича имтиёз амал қилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

- айрим турдаги энг зарур товарлар рўйхатини шакллантириш ва уларни импорт қилишда 3 ойгача бўлган муддатга божжона бож ва акциз солиғи ставкаларини 0 фоизгача камайтириш ҳуқуқлари берилди.

Маълумот учун. Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 20.03.2020 йилдаги 2809-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тиббий буюмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритилган.

Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иктисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон) билан товарларни олиб киришда қўшимча равишда божжона бож ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланди (1-б.). Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда 2020 йил 31 декабрга қадар божжона бож ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланадиган товарлар рўйхати Фармонга 1-иловада келтирилган.

Бундан ташқари, Фармоннинг 16-банди билан қуйидагилар белгиланган:

- коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабрга қадар муддатга божжона тўловларидан, шу жумладан ҚҚСдан озод этилади;

- коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божжона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди.

БОЖЖОНАДА
РАСМИЙЛАШТИРИШ
МУДДАТИ ИМТИЁЗЛАРГА
ТАЪСИР ЭТМАЙДИ

? Биз божжона божидан озод қилинган ўсимликлар уруғини олиб кирган эдик. Коронавирус сабабли уни божжонадан ўтказиш чўзилиб кетди. Бу бизга берилган имтиёзларга таъсир кўрсатмайдими?

– Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (29.03.2018 йилдаги ПФ-5388-сон) билан четдан олиб кириладиган уруғлар, қўчатлар ва пайвандтаглар 2021 йил 1 январга қадар божжона тўловларидан озод қилинган (6-б.). Бож тўловларидан (божжона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинадиган уруғлик, қўчатлар ва пайванд қўйиладиган туплар, минерал ўғитлар, ўсимликларни қимёвий химоя қилиш воситалари, энергия тежайдиган замонавий иссиқхоналарнинг бутловчи буюмлари рўйхати Фармонга иловада келтирилган.

КАРТОН ИДИШ УЧУН
БОЖЖОНА ИМТИЁЗЛАРИ

? Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун картон идишларни импорт қилишда имтиёзлар назарда тутилганми?

– Президентнинг «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (20.11.2018 йилдаги ПҚ-4020-сон) мувофиқ юридик шахслар 2021 йил 1 январга қадар замонавий иссиқхона комплекслари ва гофрланган картон идиш ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуна, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун божжона тўловларидан озод этилган (божжона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) (7-б.).

«Божжона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

БОЖХОНАЧИЛАР ЭКСПОРТЧИЛАР ХИЗМАТИДА

1-бетда

бўлаётир. Жумладан, деярли барча товарларни, шу жумладан мева-сабзавотларни олдиндан тўлов, аккредитив, банк кафолати ёки сугурта полисисиз экспорт қилишга рўхсат берилганлиги маҳаллий маҳсулотларимизни янада қисқа муддатларда ташқи бозорларга олиб чиқиш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Ҳисобот йилида амалга оширилган товарларнинг умумий экспортига нисбатан 10 фоиздан ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар экспортини амалга оширишга рўхсат берилиши (Президентнинг 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон Фармони) шундай қулайликлардан бири бўлди.

Яратилган мазкур қулайлик асосида Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган 48 та корхона томонидан жами 9,6 млн АҚШ доллари қийматидаги 11,9 минг тонна товарлар экспорти амалга оширилди.

Шунингдек, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга 2020 йил 1 октябрдан бўлган даврда молиявий жарималар қўллаш тўхтатилди. Товарлар экспортида бу каби имкониятларга қўшимча равишда божхона органлари томонидан экспорт товарларининг божхона расмийлаштируви 24 соат давомида туну кун амалга оширилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган

бўлсак, 2020 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида вилоят божхона бошқармаси томонидан 132,7 млн АҚШ долларлик товарлар экспорт қилинган. Шундан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти 71,2 минг тоннани (50,8 млн АҚШ доллари миқдорида) ташкил этган. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан асосан мева-сабзавот, тўқимачилик, озик-овқат, хайвонлар учун озуқа, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, фармацевтика ва тамаки маҳсулотлари, калава ип, тайёр оёқ кийимлар экспортига жўнатилган.

2020 йилнинг ўтган даври мобайнида ташқи иқтисодий фаолият билан шўгулланди субъектлар томонидан электрон шаклда тақдим қилинган жами 19 066 та божхона юк декларацияси Хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими орқали тегишли йўлакларга тақсимланиб, шундан «яшил» йўлак орқали 5 491 та ёки 28,8%, «сарик» йўлак орқали 7 734 та ёки 40,6% ҳамда «қизил» йўлак орқали 5 841 та ёки 30,6% БЮД расмийлаштирилган.

Агар 1 та БЮДни «экспорт» божхона режимига расмийлаштириш учун ўртача сарфланган вақтни тахлил қиладиган бўлсак, «яшил» йўлакда 00:29:56 дақиқа, «сарик» йўлакда 00:48:53 дақиқа ва «қизил» йўлакда 01:47:48 дақиқа сарфланган.

Кўриниб турибдики, авваллари божхона расмийлаштирувиге бир кундан ортиқ вақт кетган бўлса, эндиликда бу ишлар бир неча дақи-

қа ичида амалга оширилмоқда.

Президентнинг «Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида (5.06.2020 йилдаги ПФ-6005-сон) кўра, эндиликда экспорт божхона режимига нисбатан 2021 йил 1 январгача – умумий БЮДларнинг 5 фоиздан кам бўлмаган, 2022 йил 1 январгача – БЮДларнинг 20 фоизи автоматик равишда божхона расмийлаштирувдан ўтказилади.

Бундан ташқари, «Ягона дарча» божхона ахборот тизимининг тақомиллаштирилиши натижасида божхона расмийлаштируви учун сарфланган вақтни экспортда 5 баробарга, импортда 2 баробарга қисқартиришга эришилди.

ТИФ иштирокчиларига нафақат экспортда, балки товарларни импорт қилишда ҳам божхона соҳасида бир қатор имтиёзлар назарда тутилган. Ўтган давр мобайнида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона расмийлаштирувда жами 694,02 млрд сўм миқдорида божхона тўловларидан имтиёзлар берилган.

Президентнинг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сон Фармони билан товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундирилган божхона бож ва акциз солигини тўлаш муддатини 2020 йил



1 июлгача кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи берилди. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда мазкур Фармон доирасида республикаимизнинг 7 вилоятида тадбиркорлик субъектларига 2 млрд сўмга яқин божхона тўловлари 120 кун муддатгача кечиктириб тўланишига имконият берилди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида тадбиркорларга ҳар томонлама шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида Самарқанд вилояти божхона бошқармасида 24 соат давомида фаолият кўрсатувчи (66) 233-63-00 рақамли «Ишонч телефони» тизими йўлга қўйилган. Тадбиркорлар ўз фаолиятларида мазкур тизимнинг ҳам фойдали эканлигини эътироф этишаётир.

Жасурбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

КОНТРАБАНДА ТОВАРЛАР
ЙЎЛИГА ҲОВ БЎЛИБ...

СИРДАРЁЛИК БОЖХОНАЧИЛАР ЧЕГАРА ПОСТЛАРДА ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРГАНЛАР

Атир бўлса ҳам – ҳужжати бўлсин

«DAF» юк автотранспорт воситасини бошқариб келган Ш.Ж. Ўзбекистон ҳудудига кириш учун «Сирдарё» чегара божхона постига етиб келганда Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди. Автомашина ҳайдовчиси билан бўлиб ўтган оғзаки савол-жавобда у ўзининг хатти-ҳаракатлари билан божхона ходимларида шубҳа уйғотган. Шундан сўнг юк автотранспорт воситаси «Rapiscan» инспекцион кўрик мажмуаси ёрдамида текширилиб, олинган фотосуратлар таҳлил қилинганда юкхонада йўл-юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган товарлар мавжудлиги маълум бўлган. Ҳусусан, автомашинада юк ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳамда ҳужжатларда кўрсатилгандан ортиқча бўлган хорижда ишлаб чиқарилган тахминий қиймати 1,067 млрд сўмлик 123 турдаги жами 12 977 дона парфюмерия маҳсулотлари ва 61 турдаги 18 581 дона автомашина эҳтиёт қисмлари борлиги аниқланган.



Бошқа ҳолатда олдиндан олинган тезкор маълумотларга асосан вилоят божхона бошқармаси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамкорлигида яна бир туркум парфюмерия маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига чек қўйилди.

Тадбир давомида олдиндан тезкор кузатувга олинган «Тошкент-Сирдарё» йўналишининг Сирдарё тумани ҳудудига қираверишда тўхтаб турган Н.Д.га тегишли «Кобальт» автомашинасида олди-сотди савдоси бўлиб ўтади. «Савдо салони»га йўловчи сифатида келган шартли харидорга «Faberlic» ҳамда бошқа фирмаларга тегишли бўлган, тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва сифати кафолатланмаган 54 хил турдаги қарийб 41,4 млн сўмлик атир-упа маҳсулотлари сотилаётганда қонунбузар атирфуруш фаолияти фош этилди.

Тамакининг «сафари қариди»

Вилоят божхона бошқармаси ходимлари ДБК ходимлари билан ҳамкорликда олдиндан олинган тезкор маълумотларга асосан Тошкент шаҳрида тезкор тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида олдиндан кузатувга олинган А.Х. бошқарувидаги «Матиз» автомобили Юнусов бундарида «шартли харидор»га олдиндан келишилган, хорижда ишлаб чиқарилган филтрли сигарет маҳсулотларини сотмоқчи бўлган вақтида тўхтатилди. «Нишон»даги автомобиль белгиланган тартибда ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда унинг салони ва юкхонасидан 3 та қорғоз қутиларга жойлаштирилган хорижда ишлаб

✓ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

чиқарилган, божхона расмийлаштирувдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, шунингдек давлат тилида акциз маркаси билан марказланмаган дастлабки тахминий қиймати 28,75 млн сўмлик жами 2 500 қути «Милано» номли филтрли сигарет маҳсулотлари борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Тадбиркор «сўлиб» қолди

«Сирдарё» чегара божхона пости ходимлари қўшни давлатдан юртимизга кириб келган Ҳ.К. бошқарувидаги юк автотранспорт воситасини ҳолислар иштирокида кўздан кечиришди. Назорат вақтида автомашина ярим тиркамасининг паллети ичида йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган хорижда ишлаб чиқарилган, сифати кафолатланмаган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 312,5 млн сўмлик товарлар борлиги аниқланган. Юртимиз чегара постида контрабанда товарлар – 4 дона «MGTS-GPON» номли модем аппарати, «Syngenta Tomato Mamston» номли помидор уруғи ва турли номлардаги болдинг уруғлари билан ушлангач, «тадбиркор» ҳам нима қиларини билмай «сўлиб» қолди.



Аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

*Сирдарё вилояти божхона бошқармаси
Ахборот хизмати.*

II ЧОРАКДА ЖАМИ ДАРОМАД 1 МЛРД СЎМДАН ОШГАН БЎЛСА, ҲИСОБОТ ҚАНДАЙ ТОПШИРИЛАДИ

Солиқ тўловчилар 2020 йилнинг 15 ва 20 июлигача фойда солиғи ва айланмадан олинadиган солиқ бўйича ярим йиллик учун ҳисобот топширишлари керак. Аввалбошдан айланмадан олинadиган солиқни тўлаган, жорий йилнинг ўртасида эса ҚҚС ва фойда солиғига ўтган корхона қандай қилиб ҳаммасини тўғри ҳисоблаши ва солиқ ҳисоботини тўлдириши мумкин? Buxgalter.uz тавсияларидан фойдаланинг.

Солиқ даврида жами даромади 1 млрд сўмдан ошмаган корхоналар ва солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошган, лекин 1 млрд сўмгача бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинadиган солиқни тўлашлари мумкин (СК 461-м. 1-қ. 1-2-б.).

Бунда айланмадан олинadиган солиқ қуйидагиларга нисбатан таъбиқ этилмайди (СК 461-м. 2-қ. 1-8-б.):

- импортни амалга оширувчи юридик шахслар ва ЯТТга;
- акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва (ёки) фойдали қазилмаларни қавлаб олишни амалга оширувчи юридик шахсларга;
- юридик шахслар – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, ба-шарти уларда 50 га ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса;
- бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахсларга;
- лотереяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юри-дик шахсларга;
- оддий ширкат ишларини юритиш ўз зиммасига юклатилган ишончли шахсга – оддий ширкат шартномаси доирасида амалга оширилаётган фао-лият бўйича;
- бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қури-лиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чи-қариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахсларга, улардан сама-расиз фойдаланилаётганлиги бўйича қонунда белгиланган тартибда ҳулоса қилилганда;
- марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектлар-ни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахсларга.

Айланмадан олинadиган солиқ тўловчисининг 2020 йил I ярим йилли-гидаги жами даромади 1 млрд сўмдан ошган бўлса ёки у, мисол учун, товарларни импорт қилган бўлса, нима қилиши керак? Бу ҳолда 2020 йил II чораги учун қандай солиқ ҳисоботини тақдим этиши лозим?

СК 462-моддаси 9-қисми нормасини қўллаган ҳолда мазкур корхона бундай ошиш ёки СК 461-моддаси 2-қисми 1-8-бандларида санаб ўтилган бошқа ҳоллар рўй берган ойдан кейинги ойнинг биринчи са-насидан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиши керак.

Бундан ташқари, корхона ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтадиган ой-нинг 1-санасидан кечиктирмай my.soliq.uz порталидаги «ҚҚС тўловчи-си сифатида рўйхатдан ўтиш» хизмати ёрдамида ҚҚС тўлаш учун ариза бе-риши керак (СК 237-м. 3-қ., 462-м. 9-қ.).

Вазиятни шартли мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

МИСОЛ. Айланмадан олинadиган солиқни тўловчининг жами даро-мади 1 млрд сўмлик чегарадан ошди

Айланмадан олинadиган солиқни тўловчи корхонанинг 2020 йил январь–апрель ойларидаги соф тушуми 1,1 млрд сўмни ташкил этган. Корхона 2020 йил 1 майдан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғи тўловчисига айланади. У 2020 йил январь–март ойлари учун Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиб, I чорак якунларига кўра ҳисобот топширган. I ярим йиллик якунларига кўра корхона:

- 2020 йил январь–апрель ойлари учун Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиши ва 15 шолдан кечиктирмай солиқни тў-лаши (СК 470-м. 3-4-қ.);
- 2020 йил май–июнь ойлари учун ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим эти-ши ва ҚҚСни тўлаши: май ойи учун – 22 июндан кечиктирмай, июнь ойи учун – 20 шолдан кечиктирмай (СК 273-м. 1-2-қ.);
- 2020 йил май–июнь ойлари учун Фойда солиғи ҳисоб-китоби-ни тақдим этиши ва 20 июндан кечиктирмай солиқни тўлаши шарт (СК 339-м. 5-қ. 2-б., 340-м., 480-м.).

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, жами даромади жорий солиқ давридан ол-динги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тў-ловчилар 2020 йил 20 июлдан кечик-тирмай қўтилаётган ҳажмдан келиб чиқиб – ўтган чорак натижаларига

кўра уни ҳисоблаб чиқариш талаби бекор қилингани ҳолатида 2020 йил III чораги учун қўтилаётган ҳажмлар-дан келиб чиқиб Фойда солиғи бў-йича бўнақ тўловлари суммаси тўғ-рисидаги маълумотномани тақдим этишлари керак (3.04.2020 йилда-ги ПФ-5978-сон, 15-б.).

МИСОЛ. Айланмадан олинadиган солиқни тўловчининг жами даро-мади 1 млрд сўмлик чегарадан ошди (давоми)

Мисолимизга қайтамиз. Корхона қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Давр	Товарлар (ишлар, хизматлар) сотилиши соф тушум	Харажатлар
2020 йил I чораги	700 000 000	600 000 000
2020 йил апрель	400 000 000	180 000 000
2020 йил май	300 000 000	250 000 000
2020 йил июнь	400 000 000	370 000 000 (шу жумладан 40 000 000 – чегирилмайдиган хара-жатлар)
I ярим йиллик учун жами	1 800 000 000	1 400 000 000

2020 йил январь–апрель ойлари учун айланмадан олинadиган солиқ сум-масини ҳисоблаб чиқарамиз:

Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум	1 100 000 000
Айланмадан олинadиган солиқ ставкаси	4%
Айланмадан олинadиган солиқнинг ҳисобланган суммаси	44 000 000

2020 йил май ойдан фойда солиғини ҳисоблаб чиқарамиз (ортиб борувчи якун билан):

Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум	700 000 000
Харажатлар	620 000 000
Солиқ тўлангунча олинган фойда (2020 йил май ойдан июнь ойигача)	80 000 000
Чегирилмайдиган харажатлар	40 000 000

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳисоб-китоби (ҳисобот сатрларидан кўчирма):

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Жами даромад (Ҳисоб-китобга 1-иловланинг 010-сатри – 110-сатр – 121-сатр) Ушбу мисолда май ойдан бошлаб ҳисоб-китоб қилганда корхонада соф тушум кўрсаткичидан ташқари бошқа даромадлар бўлмаган	010	700 000 000
Чегирилмайдиган харажатлар Ушбу мисолда май ойдан бошлаб ҳисоб-китоб қилганда	Ҳисоб-китобга 2-иловланинг 4-устуни (0101–01350-сатрларда харажатлар расшфировкаси билан)	40 000 000
Чегирилайдиган харажатлар (Ҳисоб-китобга 2-иловланинг 010-сатри 3-устуни – 4-устун) + (Ҳисоб-китобга 5-иловланинг 060-сатри) Ушбу мисолда май ойдан бошлаб ҳисоб-китоб қилганда	020	580 000 000 (620 000 000 – 40 000 000)
Солиқ солинадиган фойда (010-сатр – 020-сатр)	030	120 000 000

16-бетда



Корхона Фойда солиғи ҳисоб-китобини топшираётганда Айлан-мадан олинadиган солиқ ҳисоб-китобининг 010-сатри кўрсат-кичи ва Фойда солиғи ҳисоб-китобига 1-иловланинг 020-сатри кўрсаткичи умумий суммаси Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сон шакл) 010-сатрида кўрсатилган маҳсулот (то-варлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум сумма-сига мувофиқ келиши кераклигини инобатга олиши лозим.

II ЧОРАКДА ЖАМИ ДАРОМАД 1 МЛРД СЎМДАН ОШГАН БЎЛСА, ХИСОБОТ ҚАНДАЙ ТОПШИРИЛАДИ

15-бетда

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Солиқ базаси (030-сатр – 040-сатр – 050-сатр), бироқ «0»дан кам эмас	060	120 000 000
Фойда солигининг белгиланган ставкаси, фоизда	070	15%
Бюджетга тўланиши лозим бўлган фойда солигининг умумий суммаси (080-сатр – 090-сатр – (Хисоб-китобга 9-иллованинг 090-сатри + Хисоб-китобга 10-иллованинг 060-сатри))	110	18 000 000

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклида кўрсаткичларни акс эттириши (ҳисобот сатрларидан кўчирма):

Кўрсаткичлар	Сатр коди	2020 йил I ярим йиллиги учун	
		Даромадлар	Харажатлар
Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум	010	1 800 000 000	x
Маҳсулот таннархи, давр харажатлари	020 – 040	x	1 400 000 000
Даромад (фойда) солиғи тўлангунча кўрилган фойда (зарар)	240	400 000 000	

Даромад (фойда) солиғи	250	x	18 000 000
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар (айланмадан олинadиган солиқ)	260	x	44 000 000
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар)	270	338 000 000	



2020 йил II чораги учун молиявий ҳисоботни тўлдирётганда солиқ органлари кўрсаткичларнинг ўлчов бирлигини – мингдан birlikларга (сўмга) ўзгартирганларини инобатга олинг.

2020 йил II чораги учун молиявий ҳисобот Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидаларга мувофиқ тўлдирилади. Юридик шахслар уни 25 июлгача тақдим этадилар (Низом, 1-4-б., АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўхатдан ўтказилган), қуйидагилар бундан мустасно:

- ҳисобот чораги якунланганидан сўнг 40 кун ичида чораклик ҳисоботни тақдим этадиган вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкани бошқарувчи бошқа органлар;
- йилда 1 марта – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай молиявий ҳисоботни тақдим этадиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

ва хорижий фирмаларнинг ваколатхоналари;

- йилда 1 марта – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартгача молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этадиган юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари;
- йилда 1 марта – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай молиявий ҳисоботни тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Светлана ЗАМИЛЬЕВА,
«Profi Training» HTM
бизнес-тренери,
«SVANTA» CMT МЧЖ молиявий
директори,
Татьяна ЛИМАРЕВА.

БЕГАРАЗ МОЛИЯВИЙ ЁРДАМНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ

ННТ хорижий валютада бегараз молиявий ёрдам олди. ННТнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларида хорижий валютадаги бегараз молиявий ёрдамни қайси курс бўйича акс эттириши лозим?

– Келиб тушган бегараз молиявий ёрдам бухгалтерия ҳисобиди ва молиявий ҳисоботда акс эттирилиши мақсадида у сўмда қайта ҳисобланиши лозим (АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўхатга оlingан «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» 22-сон БҲМСнинг 8-банди). Қайта ҳисоблаш чет эл валютасининг сўмга нисбатан операция содир этилган сана, яъни хорижий валюта банк ҳисобварағига келиб тушган санасидаги Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади (22-сон БҲМСнинг 9-10-бандлари).

Бунда молиявий ёрдамни қабул қилувчи ташкилот ННТ ёки тижорат ташкилоти бўлиши аҳамият касб этмайди.

Банк ҳисобварағига келиб тушган пул маблағлари хорижий валюта бўлганлиги сабабли, улар кейинчалик қайта баҳоланиши лозим (22-сон БҲМСнинг 15-банди).

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ЭХФ

Айланмадан олинadиган солиқ тўлайдиган корхона интернет хизматлари (хостинг, домен) билан шугулланади. Юридик шахслар билан шартномалар тузилади ва ҳисобварақ-фактуралар тақдим этилади. Жисмоний шахслар эса сайтга кириб, хизматни ҳамда мазкур хизмат тарифини танлайдилар, сўнгра оммавий оферта шартномасини шакллантирадилар ва «Рауте» тизими орқали тўловни амалга оширадилар. Оммавий оферта асосида интернет хизматларидан фойдаланadиган ва ушбу хизматлар учун «Рауте» тизими орқали тўловни амалга оширадиган жисмоний шахсларга ЭХФ тақдим этиши лозимми?

– Жисмоний шахсларга кўрсатилган интернет хизматлари учун ҳам ЭХФ расмийлаштирилиши лозим. Акс ҳолда реализация бўйича айланма ҚҚС ҳисоб-китобида акс этмайди. Жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатилганда ЭХФ расмийлаштирилади ва хизматларни кўрсатувчи томонидан бир томонлама имзоланади (ВМнинг

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

25.06.2019 йилдаги 522-сон қарорига 1-иллованинг 18-банди). Бунда ҳар бир жисмоний шахс учун алоҳида ЭХФни тақдим этиш шарт эмас. Ойнинг охири санасида жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматларнинг умумий суммасига битта ЭХФни расмийлаштириш мумкин.

Бухгалтерияда жисмоний шахслар билан ўзаро ҳисоб-китобларни оммавий оферта шартномаларининг ҳар бири бўйича тахлилий ҳисобни юритиш лозим.

АУДИОВИЗУАЛ АСАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ЛИЦЕНЗИЯ КЕРАКМИ?

Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ҳозирги кунда лицензия олиш талаб этилади.

– Йўқ, талаб этилмайди. 2018 йилнинг 14 декабридан аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш бўйича фаолиятни лицензиялаш бекор қилинган (ВМнинг 14.12.2018 йилдаги 1012-сон қарори).

Материаллар buxgalter.uz сайтидан олинди.

СОЛИК & БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга оlingан. Рўйхатдан ўтиш тартиби рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқиди.	Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ	Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ Саҳифаловчи Ратно ИСМАИЛОВА	МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-715. Адади 650. Газета 2020 йил 13 июль соат 19.00 да топширилди.	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.
--	---	---	---	---